



O‘zbekiston ovozi

№ 12
2021-yil, 24-mart
Chorshanba (32.654)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО КОНСУЛЬТАНТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни халқаро консультантлар – Альфред Гузенбауэр, Александр Квасьневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Халқаро консультантлар гуруҳининг асосий вазифаси мамлакатимизнинг Евроиттифоқ давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш, ислоҳотлар дастурини амалга оширишда хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, Европа ишбилармон доиралари билан шерикликнинг самарали механизм ва воситаларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, турли йилларда юксак давлат лавозимларини эгаллаган консультантлар бугунги кунда Европадаги расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доираларида юқори халқаро нуфузга эга бўлиб, етакчи консалтинг, инвестиция ва саноат компанияларида ишлаб, салмоқли тажриба тўплаганлар.

Хусусан, «Gusenbauer Projektentwicklung & Beteiligung» консалтинг компаниясининг таъсисчиси Альфред Гузенбауэр 2000-йилларда Австрия Федерал канцлери бўлиб фаолият юритган. «Amicus Europae» фонди раҳбари Александр Квасьневский Польша Президенти бўлган. Бугунги кунда «CITIC Europe Holdings» компанияси маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатаётган Штефан Фюле Европа Иттифоқининг кенгайиш ва яхши қўшничилик сиёсати масалалари бўйича комиссари лавозимида муваффақиятли ишлаган.

Учрашувда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва институционал жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар дастурини юқори баҳоладилар ва тўлиқ қўллаб-қувватладилар. Айниқса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ютуқлари ва аниқ натижалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви сари сезиларли саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Консультантларнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ муддатли стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтиришга доир тавсиялари кўриб чиқилди.

Юртимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг шаффофлигини ошириш, бозор механизмларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш, банк-молия соҳаси ва капитал бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Консультантлар, шунингдек, иқтисодиётнинг изчил трансформация қилинаётгани ва хорижий капитал учун очиқлиги ортаётгани туфайли Евроиттифоқ мамлакатлари билан инвестиция ва инновациялар борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар шаклланаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасини сақлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш ҳамда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Савдони либераллаштириш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, бозорларга чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилиш механизмлари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунида яқин ҳамкорлик ва фаол алмашинувларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди. Яқин истиқболдаги амалий ҳамкорликнинг биринчи галдаги вазифалари ва формати келишиб олинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ука, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суюкли фарзандларимизга, хориждаги ватандошларимизга – бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йили пандемия туфайли Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолади, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқмоқда. Гўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда.

Халқимиз соғлиғини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўплаган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

Бугун сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азиз ватандошлар!

Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳиллиқда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётий зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат биргаликда, ҳамжиҳатликда буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир карра тасдиқлаб берди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Давоми 2-бетда. ▶

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИГА КИРИШДИ

Барчамиз муҳим сиёсий воқелик – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари арафасидамиз. Унда фаол ва муносиб иштирок этиш Халқ демократик партиясининг устувор мақсадидир.

ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳайъатининг тегишли қарори қабул қилинди – сайловга тайёргарлик жараёнлари бошланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Халқ демократик партияси томонидан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Дастурда бир қатор долзарб ижтимоий масалаларда таклифларни илгари суриш мўлжалланмоқда. Бунинг учун партиянинг 44 банддан иборат чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Сайловолди дастури лойиҳасини тайёрлашда илмий доиралар ва партия аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари билан очиқ мулоқот ва муҳокамалар ўтказиш, халқимизни ўйлантираётган, ечимини кутиб турган масалаларни ҳал қилиш бўйича янгича ёндашувлар ҳамда таклифларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади.

ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов кеча Самарқанд вилоятида, ўтган ҳафтада Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида шу масала бўйича дастлабки мулоқотларни ўтказди.

Партия дастури кабинетда ўтириб ёзилиши керак эмас. У одамлар, партия аъзоларининг таклифлари асосида шакллантирилганда ҳаётий бўлади, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Халқ демократик партияси ўз электорати, жамоатчилик вакиллари иштирокида, республика бўйлаб очиқ мулоқот ва муҳокамаларни ташкил этади.

Халқ демократик партияси Ахборот хизмати

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ҳаяжон билан тинглашди, бугун улар бу ҳақда ўз фикрларини билдиришмоқда.

Зулайҳо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Биз Наврўзни соғинган эдик. Чунки ўтган йили биламиз, нега байрамни нишонлай олмаганимизни. Шунинг учун ҳам бу йилги Наврўзни интиқлик билан кутаётгандик. Ҳар биримиз Президентимиз табригини ҳаяжон билан тингладик. Наврўз ўзининг ўлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башарият ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгаллаётгани алоҳида таъкидланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 21 март – бутун дунёда халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонланаётгани эътироф этилди. Наврўз руҳи ва фалсафаси Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилининг ғоя ва мақсадлари билан уйғун, ҳамоҳанг равишда намоён бўлаётганини ҳам англаб турибмиз.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаб, дуосини олиш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар уюштириш, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзга янгича руҳ бағишламоқда, файзига-файз қўшмоқда.

Анвархон ТЕМИРХОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Буюк аллома Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наврўзнома” асарида Наврўзи олам якшанбу куни кирса, ушбу йилда фитна ва ёмонликлар оз, тўқчилик ва экинлар ҳосили яхши бўлиши баён этилган.

2020 йил бутун дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам оғир ва мураккаб кечди. Бу синовли даврда халқимиз бирдамликда, ҳамжиҳатликда ўзаро меҳр-муҳаббат, саховат ва кўмак кўрсатиш, ногиронларга ва ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш каби инсоний хислатларини чинакамига намоён этдилар. Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар-жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Президентимиз табригида шундай дейилди: “Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир”. Наврўз ана шундай умуминсоний қадриятлар, янги орзу-ниятлар тантанасидир.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Тинчлик ва соғликни улуғлайдиган, ҳаётни, яшариш ва янгиланишни шарафлайдиган байрам — Наврўзнинг бу йилги қадри ўзгача. Чунки ўтган йили бутун инсоният бошига келган синовлар бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Азалдан пок нияти ва ёруғ умидига таянган олижаноб халқимиз ўз меҳнати ва матонати, улкан сабр-тоқати, огоҳлиги билан бу синовлардан устун келди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир. Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб киргани ҳам ҳақиқатдир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан кенг қўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам жадал давом эттиришимиз энг тўғри йўлдир.

O'zbekiston ovozi

МУРОЖААТНОМА

2021 йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Албатта, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда.

Наврўз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуғ айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари – Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпкари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгулар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар.

Шундай шукуҳли ва бетакрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободеҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан биз кенг кўламли ислоҳотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий корхоналар, саноат ҳудудлари ва кластерлар, “IT-парк” ва технопарклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, кўркам боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб, жонажон диёримиз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Зеро, Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.

Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да мазмун ва сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Мана шундай амалий ҳаракатларимиз келгусида янада кенгайиб, **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган олижаноб мақсадимизга албатта етамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Наврўз – инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улуғ байрамдир.

Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди.

Ана шундай беқиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврўз юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март – Халқаро Наврўз куни деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мана шу нурафшон айёмда узоқ-яқин барча давлатларнинг халқларига, хорижий дўст ва ҳамкорларимизга эзгу табрик ва саломларимизни йўллаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Қадрли отахон ва онахонлар!

Муҳтарама опа-сингиллар!

Ҳурматли ака-укалар!

Азиз фарзандларим – навқирон ёшларимиз!

Қадимий ва гўзал байрамимиз – Наврўзи олам билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

Илоҳим, жамики улуғвор мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимиз рўёбга чиқсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

Азизларим, Наврўзи олам барчамизга, бутун халқимизга қутлуғ ва муборак бўлсин!

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

МУНОСАБАТ

БИЗНИНГ КУЧИМИЗ — БИРЛИК ВА АҲИЛЛИКДА

Миллий қадриятларимизнинг олий намуналаридан бўлган Наврўзи олам бу йил ҳам ўзгача шукуҳ билан кутиб олинди. Президент табриги эса халқнинг қувончига қувонч қўшди, қалбга қувват бериб, яхши ниятларга ишончни мустаҳкамлади. Давлат раҳбарининг сўзлари бир йилдан ортиқ вақт давомида ер юзида ҳукм сураётган коронавирус пандемияси сабаб одамларда юзага келган хавотирларни четга суриб, элу юртга шодлик бағишлагани ҳам бор гап.

Президент табриги кенг жамоатчилик томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Турли соҳа вакиллари, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам табрикка ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Асрий қадриятлар ва асл анъаналаримиз жо бўлган Наврўз бу йил ҳам ўзига хос равишда кутиб олинди. Тўғри, оммавий сайиллар, турли тадбирларни ўтказишда меъёрлар, талаблар белгиланган бўлиши мумкин. Бироқ ушбу чекловлар унинг маъносига, ўзини тўла-тўкис ифода этишига тусиқ бўлолмади. Айниқса, Президентимиз йўллаган табрик юртдошларимиз томонидан самимий кутиб олинди.

Ўтган йили пандемия сабабли Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана билан нишонлай олмадик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолиб, ҳали кўп тўй-томоша ва байрамларни халқимиз билан биргаликда ўтказишни ният қилганимизда кўпчилигимизнинг кўзимизга ёш келгани аниқ. Бугун ана шу орзу ва ниятларимиз рўёбга чиқиб, жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Чиндан ҳам, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали-ҳамон давом этаётган, инсонлар ҳаётига таҳдид солаётган бир пайтда бир-биримизга далда бўлиб, елка тутишимиз натижасида шарқона янги йилни муносиб кутиб олишга эришдик. Бироқ атрофимизда, биз билан ёнма-ён яшаётган офатни ҳам унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимизда халқимиз соғлиғини асраш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳаммамизга яхши маълум. Шунча уринишлар, қийинчиликлар ва чора-тадбирлар ҳавога совурилмаслиги учун ҳам эҳтиёткорликни унутмаслигимиз, инсоният бошига ёғилган ушбу вабога қарши курашда ҳамжиҳат ва сабр-матонат билан курашишни давом эттиришимиз лозим.

Биз, депутатлар ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилиш билан бирга, электоратимиз вакилларини ҳам ҳамиша эътиборимиз марказида тутишимиз талаб этилади. Уларнинг ташвишидан хабардор бўлишимиз, мураккаб вазиятга тушиб қолган оилаларга кўмак беришимиз, ишсизлик сонини камайтиришга имконимиз борича ҳисса қўшишимиз зарур. Агар биз бепарволикка берилсак, ҳушёрликни қўлдан берсак, ютқазиб қўямиз. Шу боис, масъулият билан ишлашимиз, камбағалликни қисқартириш, турли дафтарларга киритилган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббус кўрсатишимиз керак бўлади. Ана шунда уларнинг кўнглига байрамлар сиғади, давлат раҳбарининг ислоҳотлари амалда ўзини оқлайди.

Бахтиёр ҲУСАНОВ, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси:

— Давлат раҳбарининг “Сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим”, деган гапларидан жуда руҳланиб, кўнглимда баҳорий кайфият уйғонди. Бу фикр руҳиятимиздаги бугунги ўзгаришларнинг аниқ ифодаси бўлди, деб ўйлайман.

Аслида, нафақат таҳликалари билан тарихдан жой оладиган ушбу қишдан соғ-саломат чиққанимизга, балки кўкламни қарши олиш насиб этганига ҳамиша Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Момоларимизнинг юзга тортилган фотиҳаларида ҳам мана шундай тароватли кунларга етказганидан бахт ва қувонч туйғулари мужассам.

Президентимиз пандемия бошланган биринчи кунларда халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эди. Чиндан ҳам, табрикда таъкидланганидек, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳиллигимиздадир. Меҳр-оқибат, қудратимиз бўлса, ўзаро кўмак, саховатпешалик, эртанги кунга бўлган ишончимиз ютуғимизни кафолатлайди. Бу адолатли ҳақиқатни эса бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Ҳаётимизнинг ҳар ўтган кунида қўлимизда олов, қалбимизда умид билан юрдик. Чўғларни босиб ўтдик, тобландик ва мустаҳкам иродага эга бўлдик. Муҳими, ҳаётнинг ўзи бир-биримизга нақадар зарур ва боғлиқлигимизни кўрсатди. Қалбимизда мудраб ётган меҳр-оқибатимиз яна бўй кўрсатди, омонатлигимизни, ўзимиз ва атрофдагиларни асрашимиз кераклигини яна бир бор ёдга олдик. Ҳамжиҳатликда, қўлни-қўлга бериб, буюк ишларга, катта-катта янгиликларга қодир эканимизни тушундик, идрок этдик.

Демак, ҳар ишда хайр бор, деган гап бу гал ҳам исботини топди. Мураккаб вазият, қийинчиликлар халқимизни янада бирлаштирди. Одамлар ўзгарди, бир-бирини аввалгидан ҳам кўпроқ қадрлайдиган бўлди. Азалий урф-одатларимизга садоқатимиз ошди. Ўйлайманки, ана шундай олижаноб қадриятларимиз, хислатларимиз сайқал топаверади, янада юксалиб бораверади. Президентимиз табригини эшитиб, кўнглимизда шундай ишонч пайдо бўлди.

“Ўзбекистон овози” мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ҚУТ-БАРАКА ЭЛЧИСИ

Ниҳоят, узоқ соғинтирган дамлар келиб, юртимизга кўклам ўз сепини ёймоқда. Қир-адирлар яшил майсазорлар билан қопланмоқда, ранг-баранг гул-чечаклар, дов-дарахтлар атри сархуш қилади, куртак ёзган жаннатмонанд боғлар қушлар чуғурига тўлмоқда, ўйноқи жилғалар оҳанги юракка ширин ғалаён солмоқда.

Табиатнинг, борлиқнинг уйғониши, қут-барака элчиси – Наврўзи оламнинг шукуҳи, кўрку таровати, маъно-мазмуни барча таърифу тавсифларга сиғмайди. Чунки Наврўз баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслининг ибтидосидир. Ана шу кундан бошлаб табиатдаги илиқлик ажиб тароват касб этади, фасли баҳор ғамзаларидан баҳра олган ҳазрати инсон ўз кўнглига тиккан эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга бел боғлайди. Табиат уйғониши баробарида инсонлар дилидаги мудроқликлар ўрнини ажиб бир бедорлик, ҳаётга нисбатан чексиз муҳаббат туйғулари эгаллайди. Бу улуғвор ва бетакрор жараёндир. Демак, Наврўз нафақат табиатни жонлантиради, балки инсонларни ҳам эзгуликка ва нафосат оламига чорлайди. Ўзининг латиф ва жозибаси билан уларнинг қалбини сеҳрлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорда инсоннинг табиат билан узвийлигига, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказиш белгиланган. Бу ҳам халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” доирасидаги занжирнинг узвий ва изчил давомидир.

Бугун заҳматкаш деҳқон замин кўксига уруғ қадаяпти, қаноатли чўпон сурув ортидан эргашиб, элга ризқ улашяпти, ғаллакор мўл ҳосил иштиёқида, эртанги кун ниятида даласида парвона. Обод маҳаллаларда яшаётган нуроний отахон ва онахонларимиз гўзал ва бетакрор бу айём ташрифига шукроналар айтишиб, дастурхонимиз файзли, осмонимиз мусаффо, элимиз омон бўлсин, дея дуога қўл очишади. Одамлар айём арафасида ҳашарга чиқишиб, кўча-кўйларни обод қилишади, турфа хил гул кўчатлари ўтқазишиб, янги боғлар яратади. Кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш, турли хайрия тадбирлари ўтказиш фалсафаси бор бунда. Бу эзгу одатлар минг йиллар давомида халқимиз руҳиятига сингиб, бетакрор қадриятларимизга айланиб кетган.

Наврўзи оламнинг ҳар бир инсонга, ҳар оилага, қолаверса, мамлакатимизга яшариш ва яшнаш, бахту саодат, ризқ-рўз ато этиши энг аввало осмонимиз беғуборлиги, тинчлиги, элимиз омонлиги, дунёдаги энг қудратли ва ривожланган давлатлар билан дўстона алоқа ва муносабатларнинг мустаҳкамлигига боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Афсуски, табиат ва инсон ана шу гўзал кунни интиқлик билан кутаётган айни дамларда ҳам бу ранг-баранг дунёнинг айрим нуқталарида уруш алангаси сўнгани йўқ, ўқ овозлари тингани йўқ. Диний, миллий, сиёсий низолар ҳар куни юзлаб инсонларнинг умрига зомин бўлмоқда. Турли-туман кучлар, турфа мақсадлар, ғоялар, манфаатлар тўқнашуви сабабли минглаб оилалар ҳар бир кунни қўрқув ва хавотир ила қарши олишмоқда. Ҳар бир тунни таҳлика ва ҳадик ичида ўтказмоқда.

Маълумотларга кўра, бутун дунёда Наврўз миллий байрам сифатида нишонланадиган халқнинг умумий сони уч юз миллиондан ошади. Аммо, таассуфки, уларнинг барчаси умрбоқий байрамни тинчлик, хотиржамлик, дилхушлик билан нишонлай олмаяпти. Наврўзни асрлар давомида орзиқиб, катта хурсандчиликда байрам қилиб келган инсонлар – кексалар, аёллар, болалар бу кунни ўқ ёмғири остида, қочоқлар лагерида, ўта нобоп шароитларда нишонлашга мажбур.

Наврўз бу гал ҳам бутун оламга ўз кўрку тароватини ёяркан, барчани тинчликка, ҳамжиҳатликка, дўстликка чақиради гўё. Эҳтимол, шу боис бу куннинг табиат ва инсон ҳаётидаги ўрни халқаро миқёсда эътироф этилгандир? Зеро, 2010 йилнинг 19 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март – Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинган.

Барибир, Наврўз Ўзбекистонда ўзгача шукуҳ билан ўтади. Зотан, байрамлар ҳам тинч юртга кўпроқ ярашади, деб бежиз айтишмаган. Ҳар биримиз бу байрамни безатилган боғ ва хиёбонларда, ноз-неъматга тўла дастурхон атрофида кутиб олаяпмиз, юртимиздаги тинчлик, осойишталик, фаровонлик учун ҳар қанча шукур қилсак арзийди.

Мана шундай бетакрор кунларда юртимизнинг жаҳондаги мавқеи, обрў-эътибори янада ошиб бораётганлиги мамлакатимиз раҳбариятининг нафақат минтақада, балки бутун дунёда тинчликни, барқарорликни сақлаш, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасидир. Бу билан ҳар бир юртдошимиз фахрланади.

Бугун она Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олган. Шаҳар ва қишлоқларимизга, бепоён дашту далаларга, қир-адирларга, халқимизга Наврўзи олам чексиз хурсандчилик, шодлик, бахтиёрлик, нафосат, баҳорий кайфият улашмоқда. Илло, табиат ҳозирданоқ ўз неъматларини меҳнаткаш элимизга инъом этишга тайёргарлик кўраётир. Бу йил боши ҳам омборларимиз донга тўлишига, пахта хирмонларимиз ўтган йилдагидан-да юксакроқ бўлишидан дарак бермоқда.

Наврўз – янги кун дегани. Демак, бу байрам ўзи билан бирга янги кунни, баҳорни, меҳнат айёмини бошлаб келади. Борлиқ яшаради. Дов-дарахтларга жон киради. Наврўз деҳқонни далага чорлайди. Қир-адирлар янги либосга ўралмоқда. Юртимиз, дастурхонимизга яна файзу барака ёғилади. Кўнгилга беихтиёр бир тилак келади: Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Бахтиёр ШАРИПОВ, журналист.

ОДАМНИ, ОЛАМНИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИГАН КУН

Баҳорий янгиланиш дамларида қуёш тафти табиатни уйғотди. Дов-дарахтларда бўртиб қолган куртаклар очилиб, қийғос гулга кирди, борлиқ жонлана бошлади. Замин ҳароратидан гиёҳлар тирқираб унди, қир-адирлар ям-яшил майса билан қопланди. Буюк аждодимиз Маҳмуд Қошғарий таъбири билан айтганда, «қурт-қумурсқа уйғонди». Бу уйғониш юракларга ғайрат-шижоат бахш этади.

Наврўз байрамида маҳалла, хонадонларни озода-саришта қилиб тозалаш, яқин кишилар билан дийдорлашиш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш, хайрия тадбири уюштириш каби одатлар халқ орасида кенг тарқалган. Бугунги кунда эса бу анъаналар янгича кўринишларда давом этяпти.

Наврўз ҳалолликка, покликка ундовчи айём. Бу пайтда табиатнинг бетакрор манзаралари ва мўъжизалари кўз ўнгингизда содир бўлади. Наврўз руҳни тозалайди, одамни эзгуликка ундайди. Борлиқнинг янгиланиши, яшариши инсонни меҳнат қилиб, ризқ-рўз яратишга даъват қилади.

Болалигимда қишлоғимизда ўтказилган Наврўз сайиллари сира ёдимдан чиқмайди. Уйда егулик бўлмаса, оналаримиз яхши ният қилиб пиёлага сув қуярди. Қизлар янги либос киярди, топмагани жимжилоқ бармоғига ип тақиб чиқарди. Толпопукдан сочига жамалак қиларди.

Албатта, сумалак сайлисиз Наврўзни тасаввур этиб бўлмайди. Қишдан ҳориб чиққан киши сумалакдан тўйиб-тўйиб еса, барча дарддан форғ бўлади. Бу тиббиётда ҳам тасдиқланган.

Сумалак пишираётган қўни-қўшнилар кечаси билан қозон кавлаб, чилдирма чалиб, ялла айтиб, рақса тушарди. Кейин ёшларни чақириб, ниятинг амалга ошсин, дея қозон кавлатиб, тош ташлаттиришган.

Қишлоқ аҳли Наврўзни нишонлаш учун катта адирликка чиқарди. Ҳамма топганини олиб борарди. Бир томонда кураш, арқон тортиш, қўл кучини синаш, югуриш, тош кўтариш ва бошқа турли халқ ўйинлари бўларди.

Марказдаги сайилгоҳда ошпаз ва қандолатчилар турли тансиқ таом ва ширинлик пиширарди, санъаткорлар қўшиқ айтган, полвонлар кураш тушган, дорбозлар арқон устида эпчиллигини кўрсатарди.

Беруний бобомиз ёзган: «Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу куни қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу – йилнинг боши, биринчи кунидир».

Наврўз куни барча касб-ҳунар эгалари ўз устозларидан, табаррук кексалардан оқ фотиҳа оладилар.

– Ҳудудимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилади, – дейди Самарқанд туман, Қуйи туркман маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Асад Ҳайдаров. – Бу файзли кунларда барча маҳалла оқсоқоллари, фаоллари томонидан ёлғиз кексаларга, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиляпти. Тадбиркорларнинг хайру саховати билан ҳар бир маҳаллада сумалак, ҳалим пиширилиб, аҳолига тарқатиляпти. Беморлар ҳолидан хабар олиняпти, уларга Наврўз таомлари, совға-саломлар улашиляпти.

Наврўз байрамини халқ сайиллари, ўйинларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёш-яланглар қўлларида баҳорнинг анвойи гуллари, шодон давраларда алёру бешқарсак, айтишувлар авжланади. Бу айём ўзбек халқининг бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро аҳиллик каби фазилатларини намоён этади. Наврўз эзгулик ва абадият байрами бўлиб қолаверади.

Ботир МУҲАММАДИЕВ, журналист.

МУРОЖААТНОМА

Қонунчилик палатаси ва Сенат, Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

O'zbekiston ovozi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шу йил 22 март куни 88 ёшида вафот этди.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилди. 1955 йил Тошкент давлат университетини тамомлади.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1955 йилда ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик "Тошкент ҳақиқати", "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газеталарида адабий ходим, "Шарқ юлдузи" журналида бош муҳаррир ўринбосари, республика ёшлар нашриёти, "Гулхан" ва "Ёш куч" журналларида бош муҳаррир лавозимларида самарали меҳнат қилиб, миллий адабиётимиз ва матбуотимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Кейинчалик республика "Истеъдод" жамғармаси ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия фондининг раҳбари вазифаларида фаолият олиб борди.

Катта билим ва тажрибага эга мураббий адиб сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг болаларга мўлжалланган "Ўйла, изла, топ!" дастурига бошчилик қилди.

Худойберди Тўхтабоев ўзининг чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бадиий юксак ижоди билан ўзбек болалар адабиётининг забардаст намояндасига айланди.

Истеъдодли адиб олтмиш йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти мобайнида "Шошқалоқ", "Сўқмоқлар", "Муҳаббат қўшиғи", "Жонгинам, шартингни айт" сингари ҳикоялар тўпламлари, "Сир очилди", "Омонбой билан Давронбой саргузашти" қиссалари ҳамда "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", "Беш болали йигитча", "Қасоскорнинг олтин боши", "Йиллар ва йўллар", "Ширин қовунлар мамлакати", "Мунгли кўзлар", "Жаннати одамлар", "Қиз талашган ўсмирлар", "Қуёнлар салтанати", "Қиз болага тош отманг" романларини яратди.

Айниқса, ёзувчининг "Сариқ девни миниб" романи юртимиз ва дунё миқёсида жуда катта шуҳрат қозонди. Мазкур асар қирқдан зиёд хорижий тилларга таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда чоп этилган.

Мустақиллик йилларида адибнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. У ёш авлод вакилларини юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш билан бир қаторда, жамиятимизда адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

У тажрибали ижодкор, жонкуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Худойберди Тўхтабоевнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ ёзувчиси", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ҳамда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Худойберди Тўхтабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, С.САИДОВ, И.ҒАФУРОВ

МУНОСАБАТ

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ —

депутатликнинг бош мезони

Ишонч қозонилиши қийин, бироқ арзимаган сабаблар билан поймол бўлиши мумкин бўлган туйғулардан биридир. Халқ вакили ҳисобланган депутатлик эса минглаб одамлар ишончи демакдир. Улар билдирган ишончни оқлаш учун қонунчилигимизда депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, дахлсизлиги ва фаолиятининг асосий кафолатлари белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат ўз мақоми билан боғлиқ қонунга асосан парламентда кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида ёки бошқа ҳолатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилаётган вақтда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар бунга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар, мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли. Мазкур ҳуқуқлар уларга сайловчилар олдидаги бурчини тўсиқсиз бажариш имконини беради. Депутатларга қўйиладиган талаб эса қонуний ҳуқуқларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, парламентга сайланиш масаланинг бир жиҳати бўлса, ушбу мақомни ушлаб қолиш, унга содиқ бўлиш кишидан катта масъулият талаб этади. Ҳозирги депутатлар сайланганига мана, бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу орада парламент вакиллари ўз округларида тез-тез бўлиб, одамлар муаммоларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилишди. Уларнинг манфаатларини палата мажлисларида ҳимоя қилиш, вазирлик ва идоралардан ҳисоб сўраш тажрибасини оширишди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларига «Сизнингча, депутатлик нима?» деган савол билан мурожаат қилдик.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун демократик тамойиллар асосида чинакам фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Ана шу асосда Парламент ва маҳаллий Кенгашлар тубдан замонавий шароит ҳамда услубда фаолият олиб бормоқда.

Депутатлик нима, деган саволга, аввало, масъулият, деб жавоб бераман. Бу масъулият нималардан иборат? Қонун ижодкорлигида одамлар мурожаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш. Янги қонунлар тўғрисида тушунтиришлар бериш. Жойларда аҳолини қийнаб турган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга таклифлар киритиш, депутатлик сўровларини юбориш талаб этилади. Кейинги босқичларда эса уларнинг ижросини назоратга олиш керак.

Халқ ишончини оқлаш жумласининг маъно-мазмунини икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди. Масъулият дегани кеча-ю кундуз одамлар манфаатини ўйлаб, ҳаловатсиз бўлишдир. Депутат масъулиятни тўла ҳис эта олсагина, сайловчилар ишончини қозонган бўлади. Бунда эса ақл-заковат билан, пухта ўйланган режа асосида ҳаракат қилиш, ҳар бир ишда жавобгарлик борлигини унутмаслик лозим.

Шерзод РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу саволга бир йил олдин бошқачароқ жавоб берган бўлишим мумкин эди. Яъни, депутатликни қонуний талаблар асосида баҳолаган бўлар эдим, балким. Масалан, парламент аъзолари тегишли қўмита ва комиссияларнинг мажлисларида қатнашишга мажбур. Чунки у ерда сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларига ёки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатига алоқадор бўлган масала кўрилиши турган гап. Бундан ташқари, депутатларда ўзини депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туриш ва Қонунчилик палатасида партия электорати манфаатини ифода этиш масъулияти ҳам бор, албатта. Қонуний жиҳатдан энг асосий талаблардан бири — бу сайловчиларига ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб бориш мажбуриятидир.

Хўп, бу каби масалаларни қонунлардан ўқиб, ўрганиб олишимиз мумкин. Бироқ ҳаёт энг катта сабоқ экан. Депутат масъулиятини бугун бошқачароқ тушуняпман. Мен фалон маҳаллага бордим, фалонча одам муаммоси ечилишига кўмаклашдим, деган кайфиятга берилсак, катта хато қилган бўламиз. Чунки депутатга бир эмас, ўн эмас, минглаб одам ишонч билдиради. Улар депутатни ўзларига ҳимоячи, деб билишади, ундан натижа кутишади. Демак, ҳаловатга берилишга, бепарволикка асло ҳаққимиз йўқ.

Агар қонуний жиҳатдан баҳоласак, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз партияси ғояларига содиқ бўлиш депутатлик мақомини белгилайди. Инсоний жиҳатдан қаралганда, депутатликни одамларнинг дардига дармон топишга кўмаклашишдек шарафга сазовор бўлиш, деб биламан.

Яна бир фикрни айтмоқчиман. Парламент вакили бўлиш шараф, мартаба, катта мақомдек туюлиши мумкин. Аслида қонун ижодкори бўлиш катта масъулият бўлса, бир неча ҳудуд ташвиши билан яшаш, юз минглаб сайловчи ҳамда сиёсий партия манфаатлари учун курашиш вазифаси ўзига хос машаққатли иш экан. Устозларимиз, ёши катта опа-акаларимиз кўмагида қўлдан келганча ушбу вазифаларни бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Тажриба орттиряпмиз, парламентда улғайяпмиз, пишяпмиз. Ҳали ҳаммаси олдинда. Сўзимизга мос равишда режалар билан ҳаракат қилсак, ўйлайманки, билдирилган ишончга муносиб бўламиз, халқ олдида бошимиз эгилмайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.

ЭЪТИРОФ

ДЕПУТАТНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Кейинги йилларда боғча ёшида бўлган болаларни мактабгача таълим тизимига тўла қамраб олиш жараёни бошланди. Бугунги кунда вилоятда мингдан ортиқ ММТлар фаолият юритмоқда. Айни пайтда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотлари ҳам тобора кўпаймоқда.

Мактабгача таълим тизими учун юқори малакали, замонавий фикрлайдиган, таълим тарбиянинг илғор технологияларини ўзлаштирган педагог кадрларни тайёрлаш мақсадида республикамизда бир қатор педагогика коллежлари фаолияти йўлга қўйилганди. Хива педагогика коллежи улардан биридир.

Ушбу таълим даргоҳига халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши депутати Жасурбек Салаев раҳбарлик қилмоқда. Бу даргоҳ мамлакатимиздаги 97 та педагогика коллежи орасида намунали деб топилган. Бундай эътирофга эришиш осон эмас, албатта. Унинг ортида тинимсиз меҳнат, ҳар бир вазифага виждонан ёндашув, ислоҳотларга садоқат каби фазилатлар ётади.

Коллеж директорининг саъй-ҳаракати туфайли талабаларнинг яшаш, ўқиш шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бюжетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 та икки қаватли, 220 ўринга эга талабалар ётоқхонаси тўла таъмирдан чиқарилди. Шу бинолардан бирида 400 ўринли бепул мактабга тайёрлов гуруҳлари ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, миллий кўриниш касб этган мажлислар зали ўқув даргоҳига ўзгача ҳусн бахш этмоқда. Талабалар спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилди.

Ўқув даргоҳи ёнида бўш ётган майдонга сув келтирилиб, мевали ва манзарали боғ бунёд этилди. Тўрт юз квадрат метр ҳажмда иссиқхона қурилди. Ана шу манзаралар устига чиройли фаввора қурилгани ўқув даргоҳига ўзгача чирой бағишлади.

Эътиборли томони, бу ўқув даргоҳида хорижлик ёшлар ҳам таҳсил олишяпти. Қўшни Туркманистон Республикасидан келган ёшлар бу ерда ўқиш учун жаҳоний андозалардаги шарт-шароитлар яратилганини эътироф этишмоқда. Шу боисдан хорижлик талабалар сафи ортмоқда.

Жасурбек Салаевнинг депутатлик фаолиятидан ҳам одамлар мамнун. У мунтазам равишда ўз сайловчилари орасида бўлади, муаммоларни ўрганиб, уларга ечим излайди. Тегишли ташкилотларга мурожаат қилади, кам таъминланган хонадонларни ўз ҳомийлигига олиб, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Жасурбек Салаев директор сифатида ҳамкасбларига, депутат сифатида халқ вакилларига ибрат бўлмоқда.

Мўътабархон СУЛТОНОВА, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши фаоли.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШАББУСИ

ТИЗИМ САМАРА БЕРМОҚДА

Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ижрочи котиби.

Сиёсий партиянинг сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси биринчи навбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тизимли фаолият юритишига боғлиқ. Қонун ижодкорлиги, ижтимоий масалаларни таҳлилий ўрганиш, электорат мурожаатларига ечим топиш жараёнларида қуйидан юқоригача бўлган тизим ўртасида узилиш бўлмаслиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Халқ демократик партияси бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича фракция ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик ва хабардорлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Бу борада "Марказ – вилоят – туман" тизими жорий этилди.

Бу тизим асосан учта йўналишда ривожланмоқда.

Биринчидан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари биринчи ўқишдан сўнг вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида муҳокама этилмоқда. Уларда билдирилган таклифлар ҳисобга олинмоқда.

Ўтган давр мобайнида — долзарб ижтимоий масалаларга оид 80 дан ортиқ қонун лойиҳалари бўйича 300 дан ортиқ таклиф ва фикр-мулоҳазалар олинди. Бу таклифлар қонун лойиҳалари бўйича партия фракцияси позициясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мисол учун, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Аҳоли бандлиги тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Давлат тили ҳақида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида","Транспорт тўғрисида", "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бўйича жойлардан кўплаб таклифлар келиб тушди.

Ижтимоий масалаларга оид 15 дан ортиқ қонун лойиҳаси партиянинг расмий сайтига муҳокама учун жойлаштирилиб, фуқароларнинг таклифлари олинмоқда.

Иккинчидан, партия фракцияси йиғилишларида электорат манфаатлари билан боғлиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилаётганда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳокамаларда бевосита қатнашмоқда. Шу билан бирга, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг партия учун принципиал бўлган масалалардаги ахборотлари эшитилаётганда ҳам уларнинг иштироки таъминланмоқда.

Бу амалиёт республикадаги умумий ахборотларни жойларда реал ҳолат билан таққослаш, зарур саволларни бериш ва хулосалар чиқаришда қўшимча имконият яратмоқда.

Учинчидан, партия фракцияси аъзолари ўз округларига борган вақтларида маҳаллий Кенгаш сессияларида иштирок этиб, жараёнда бевосита хабардор бўляпти, ўз тавсияларини беряпти.

Фракция аъзоларининг ҳар бири учун бир нафардан вакил вазифаси жорий этилгани депутатларнинг округдан узилиб қолмаслигига хизмат қилмоқда. Халқ вакиллари доимий таъсир ва ёрдам кучига эга бўлиши мурожаатлар тезкор кўриб чиқилиши ҳамда ижтимоий масалалар қисқа муддатларда ҳал этилишига асос бўлмоқда.

Албатта, бу катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг бошланиши холос. Ҳали ечимини кутаётган камчиликлар, самарадорлик ва натижадорликка путур етказаётган омиллар оз эмас. Олдинда вазифалар кўп. Уларни рўёбга чиқариш учун марказдан бошлаб қуйи бўғингача ҳамма тизимда талабчанлик ва масъулиятни кучайтиришимиз зарур, деб ўйлайман.

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ

Партиямиз электорати вакилларини қийнаётган муаммоларга ечим топишда маҳаллабай ишлаш тизимини изчил йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан жойларда қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Партия Марказий Кенгаши раиси, партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Улуғбек Иноятов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов Термиз туманидаги қатор маҳаллаларда бўлиб, кексалар, ёшлар ҳамда хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганишди.

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ПОЙДЕВОР

— Ҳудудда 78 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди **Ўзбекистон ХДП Термиз туман Кенгаши раиси Тўра Зойиров.** — Уларнинг 7 минг 345 нафари "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган. Демак, электоратимиз вакилларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қиладиган ишларимиз кўп.

Партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида жойларда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Сайёр ва кўчма қабуллар ўтказаяпмиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида "Гулбаҳор", "Айритом", "Халқобод", "Сабзипоя" ва бошқа маҳаллалардаги 200 га яқин хонадонда бўлдик. Одамларни бандлик, кредит олиш, уй-жой, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва бошқа масалалар қийнаётгани аниқланди. Ўрганишлар давомида 20 дан ортиқ муаммо жойида бартараф қилинган бўлса, қирққа яқин мурожаат тегишли тартибда назоратга олинди.

Маълумки, юртдошларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Кўпчиликда томорқа бор. Янги иш ўринлари яратиш учун иссиқхоналар ташкил қилиш, боғдорчиликни ривожлантириш, асаларичиликни йўлга қўйиш, чорва молларини кўпайтириш талаб қилинади. Шунингдек, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га кирганлар "Устозшогирд" анъанаси асосида корхоналарда иш ўрганса, ўйлайманки, албатта, кўзланган мақсадга эришамиз.

Депутатларимиз иштирокида очиқ ва самимий руҳда ўтган тадбирларда "Бунёдкор", "Меҳнат гузари", "Ат-Термизий" маҳаллаларида истиқомат қилаётган ўнга яқин кам таъминланган оилага иситиш мосламалари, ногиронлик аравачалари топширилди.

— Яхшилик ва эзгулик асло унутилмайди, — дейди **"Бунёдкор" маҳалласида истиқомат қилувчи Нодира Қўчқорова.** — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъуллари ва депутатлар Наврўз байрами кунлари ҳолимиздан хабар олганидан хурсанд бўлдик. "Темир дафтар" ва "Аёллар" дафтари"га кирган бир гуруҳ юртдошларимизга совғалар берилгани эса барчамизнинг кайфиятимизни кўтарди. Ташаббускор ва олийҳиммат инсонларга раҳмат.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилининг ўтган икки ойи давомида вилоят, шаҳар ва туманлар партия ташкилотлари масъуллари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан "Аёлларга кўмак", "Ёшларга кўмак" лойиҳалари доирасида қатор ишлар амалга оширилди, — дейди **Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш сектор мудири Феруза Болтаева.** – Жумладан, 111 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилиб, уларнинг 50 фоизидан кўпроғининг бандлиги таъминланди. 26 нафар кишига кредит олишда амалий ёрдам кўрсатдик. 20 га яқин хонадонда тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш соҳалари йўлга қўйилди. 11 нафар кишининг уй-жойлари таъмирланган бўлса, 9 та ногиронлик аравачалари тарқатилди.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш — келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевор. Шундай экан, бу борадаги хайрли ва эзгу ишлар мунтазам давом этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

O'zbekiston ovozi

МУРОЖААТНОМА

Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

МУЛОҲАЗА

Маънавият бурчакдан бошланадими?

Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.

Шавкат Мирзиёев

Мақсуда ВОРИСОВА, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Тарихий далиллар билан асосланган ҳолда Турон заминни жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган ҳудуд деб айтишга ҳақлимиз. Аждодларимиз нафақат қудратли империялар яратишган, илм-фанни юксак чўққиларга олиб чиқишган, шаҳарлар барпо этишган, халқнинг маънавий юксаклигига эришишган, адолат тамойилларига қатъий риоя этишган.

Ватанимизда "Учинчи уйғониш" даврига асос солинар экан, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, ҳақли равишда миллий маънавиятимизни тикламасдан туриб, бу улуғ мақсадга эришиб бўлмайди.

Биз узоқ вақт давомида ўз маданиятимиз ва тарихий меросимизни тўлиқ англаш ҳамда қадрлаш масаласига масъулиятсизлик билан ёндашиб келдик.Тарихни китоблар орқали ўрганиш мумкиндир, маданий меросни ҳам маълум даражада тиклаш имкони бор. Лекин фақат инсоннинг онгу шуурида шаклланиб, қалбига муҳрланадиган маънавий тамойилларни тиклаш учун қанча муддат талаб қилинаркин?

Маънавият сўзи араб тилидан олинган бўлиб, одоб-ахлоқ мажмуи, деган маънони билдиради. Мустақилликкача бўлган ўзбекча луғатларда бу сўз йўқ. «Маънавий» сўзи ишлатилган, лекин от сифатида «маънавият» сўзи 1981 йили чиққан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳам мавжуд эмас. 2006 йили чиққан янги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да «маънавий» сўзи изоҳида «маъновий, ақлий, ахлоқий, МАВҲУМ» таърифи ҳам келтирилган.

Оммавий ахборот воситаларида, раҳбар кишиларнинг чиқишларида "маънавият" атамаси ўринли ва ноўрин, бот-бот такрорланмоқда.

Аслида маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда, унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз

«Маънавият» – «маъно» сўзининг жамланмаси бўлиб, моддийликнинг тескарисини – «моддий бўлмаган нарсалар» маъносини англатади. Бу атамага таъриф излаб. энг мақбулини Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шайх ҳазратларидан тондим: "Исломий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маърифатнинг, яъни билимдонликнинг асоси ўзининг кимлигини, ҳаётдаги ўрнини ва мақсадини, бурчи ва масъулиятларини англашдан бошланади. Ана шуларни тўғри англаб етмаган инсон ҳар қанча билимли бўлса ҳам, маърифатли ҳисобланмайди. Тасаввуф таълимотига кўра, инсонни камолотга етказувчи йўллардан бирининг «Маърифат» дея аталиши ҳам бежиз эмас.

«Маънавият» деганда инсоннинг руҳий олами, онги, ақли ва тафаккурининг жамъи, яъни дунёқараши тушунилади. Маънавият руҳнинг мавжудлигини ва тананинг ўлимидан кейин ҳам яшаб қолишини, бинобарин, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам танасининг ҳар бир қилган амали учун масъул эканини англашдан бошланади. Шу ҳақиқатни англаган лаҳзадан бошлаб инсоннинг маърифати ва маънавияти ўсиб, ривожланиб боради. Аммо руҳнинг мавжудлигини, инсон барча амаллари учун бу дунёда ҳам, охиратда ҳам масъул эканини англамасдан туриб, ҳар қанча кучли ақл соҳиби бўлса ҳам, кенг маърифатли ва юксак маънавиятдаги шахс бўлиш мутлақо мумкин эмас. Аксинча, Яратувчи Зотнинг борлигини, руҳнинг мангу ўлмаслигини идрок қилолмаган одамнинг маънавияти ҳар доим кемтик бўлиб қолаверади. Зеро, «маърифати ва маънавияти юксак» инсонгина аввало ўзи, оиласи ва жамияти учун нима яхши, нима ёмон эканини англай олади. Ҳолбуки, эллик ёки олтмиш йилдан кейин тупроққа қоришиб, баданини қурт-қумусқалар еб, абадий йўқ бўлиб кетадиган одам учун «яхшилик» ёки «ёмонлик», «разиллик» ёки «эзгулик» деган тушунчаларни фарқлашни нима аҳамияти бор? Бугунги кун кишилик жамиятининг энг оғриқли муаммоларидан бири ҳам айнан мана шудир.

Ҳар қандай бузуқликдан, бекорчи уруш-жанжаллардан, ўғрилик, қотиллик, нашавандлик каби иллатлардан жамиятни, хусусан, ёшлар онгини тозалашнинг бирдан-бир йўли — маърифат ва маънавиятга етарли аҳамият беришдан иборатдир.

Ўрганиб қолганмиз, Президент томонидан мамлакат ривожи , халқ фаровонлиги йўлида янги бир ғоя ўртага ташлангач, барчамиз унинг моҳиятига тушунар-тушунмас, кўп ўринларда фақат ҳисобот учун унинг ижросига киришамиз. Бу мақоланинг ёзилишига сабаб ҳам Ватанимиз эртаси учун энг муҳим бўлган ғоя атрофида олиб борилаётган турли кўринишлардан бири бўлди. Давлат бошлиғи "маънавият" ҳақида гапиргач, катта-кичик давлат муассасаларида "маънавият бурчаклари" ташкил этила бошланди. Ўзимга савол бераман, наҳотки маънавият бурчақдан бошланса? Бурчак сўзи бизнинг онгимизга қаердан кириб келди ("қизил бурчак", Ленин бурчаги, пионер бурчаги в.ҳ.)? Менимча, бу тушунча юртимизда Октябрь инқилобидан сўнг пайдо бўлган. Чунки славян мамлакатларида хонанинг энг кўркам жойи "қизил бурчак" (красный, красивый угол) деб аталиб унга христианлар томонидан сиғинувчи иконалар қўйилган. Хонага кирган меҳмон, аввало иконага қараб чўқиниб, кейин уй эгалари билан саломлашган. Инқилобдан кейин коммунистлар томонидан бу бурчак тарғиботлар ўтказиш жойига айлантирилган.

Шу кунларда мактаблар ва мактабгача тарбия ташкилотларида яна "маънавият бурчаклари" ташкил этилмоқда. Аҳолининг маънавий ривожини ташкил этишга масъул шахслар ҳам айнан ҳисоботларда ана шу бурчакларни қай даражада шакллантирилганига қараб, ташкилот ишига баҳо бермоқдалар, танловлар ташкил этмоқдалар.

Менимча, маънавий етук авлодни тарбиялаш учун аввало тарбиячилар ва устозларнинг маънавий асослари мустаҳкам бўлиши шарт. Боланинг кўз ўнгида ахлоққа, инсонийликка, адолатга зид хатти-ҳаракатлар қилиб турган шахслар қандай қилиб маънавий камолликдан дарс беришлари мумкин?

Маълум муддат аниқ йўналтирилган ғоявий озуқасиз авлодда руҳий бўшлиқ пайдо бўлди. Бу бўшлиқни жиҳозлар, матолар, қўғирчоқлар билан тўлдириб бўлармикан,. ёшларда ўзимиз истаган маънавиятни шакллантириш учун, аввало, шахсий намуна талаб этилмайдими? Давримизнинг етук инсонлари, олимлар, адабиёт аҳлидан ана шу бўшлиқни тўлдириш учун ҳақиқий маънавий озуқа яратиш талаб қилинмоқда. Миллий қадриятларни асраш, ёшларни юртга садоқатли авлод қилиб тарбиялаш — тарих саҳнасида мустақил давлат сифатида яшаб қолишнинг ўта муҳим шартидир.

МУНОСАБАТ

Ҳаё пардаси кўтарилганда ёхуд тарбияга ким масъул?

Алишер МАДРАҲИМОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси:

— "Ўзбекистон овози" газетасида эълон қилинган "Маънавият ва миллий хавфсизликка тажовуз ёки ижтимоий тармоқлардан бири – Tik Tokдаги ахлоқсизликлар ҳақида мулоҳазалар" мақоласини ўқиб, ўйга толдим. Муаллиф томонидан кўтарилган мавзу сўнгги вақтларда кўрган-эшитган, кузатганларим бўйича якуний хулосага келишимга сабаб бўлди. Сабр-косамга сўнгги томчи сув тушди. Сув тошди...

Бугун аксар давлатлар мақсад-муддаосида – миллий ғоясида умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар устуворлик касб этмоқда. Миллий хавфсизлик, сарҳадлар дахлсизлиги бирламчи мақсад ҳисобланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар муҳим саналади. Шунинг баробарида инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган бир даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилиш, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга бўлган интилиши ҳам тобора зўрайиб бормоқда.

Интернет таҳдиди, ахборот уруши, кибертерроризм, дезинформация, виртуал таъқиблар шулар жумласидандир. Энг ёмони, бугун экстремизм, умуман, вайронкорлик сафига тобора ёшлар кенгроқ жалб этилмоқда. Аксар вайронкор сайтларнинг фойдаланишга очиқлиги виртуал фирибгарлик учун кенг йўл очиши шубҳасиз. Ўсмир-ёшларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайт, ижтимоий тармоқларга етаклайди. Ўз навбатида ёшлар онгига кучли руҳий таъсир ўтказади.

Бугун Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 92 фоизини ёшлар ташкил этиши, аксар ёшларда ахборотни саралаш "фильтри" йўқлиги эътиборга олинса, масаланинг нақадар муҳимлиги ойдинлашади. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар аъзолари сони ҳам ёшлар ҳисобига ошиб бормоқда. Демак, ёшларни интернет таҳдидларидан ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Тезкорлик билан чора-тадбирлар ишланмаса, бу юқумли жазава келгуси ёш авлодни ҳам ўз гирдобига тортишда давом этаверади.

Манбаларда келтирилишича, мавжудотлар орасида фақат одамгина уялганида, ғазабланганда қизарар экан. Бу ҳис инсонга ато этилган экан холос. Аслида, ҳаё, уят – тарбия қилинадиган, ривожлантириладиган фазилатлардан бири. Ҳаё тарбияси қанча давом этса, у шунчалик кучли бўлади. Тарбиянинг давомийлиги, даврийлиги, изчиллиги уларнинг сифати, ҳаётийлигини таъминлайди. Демак, тарбиянинг илк даври инсон ҳаётининг бошланиши билан белгиланар экан, ёшларга тақдим этилаётган моддий, маънавий озиқ миллий, қадриятларга мос, тарихан тўғрилиги исботланган, аждодларимиз малакаси "кўриги"дан ўтган бўлиши зарур.

Бугун болаларга берилаётган тарбия ҳақида сўз борар экан, қачон, қандай ва қаерда хатоликка йўл очиб бердик?", деган савол бизни ўйлантиради. Йиллар давомида берилмаган тўғри тарбиянинг натижасини бугун интернет аталмиш ойна кўзимизга кўрсатмоқда. Замонавий интернет эса ўз фойдаланувчиларига чексиз имкониятларни тақдим қилмоқда, сўнгги йилларда "Тик ток" номли тармоққа ҳам ёшлар қизиқиши ошиб бормоқда. Албатта, ҳар бир ишлаб чиқарилаётган интернет тармоғининг асосий мақсадларидан бири моддий бойишга қаратилади. Бу эса ижтимоий тармоқларни виртуал фирибгарларнинг майдонига айлантирмоқда. Шу сабаб соҳа мутахассисларининг вазифаси, оилада интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантирадиган ҳамда болаларга психологик, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказмайдиган, очиқ ва хавфсиз ахборот маконини яратишдан иборат. Бу ўринда ота-она ҳамда фарзандлар ўртасида ишонч туйғусини мустаҳкамлаш, катталарнинг шахсий ибратини намоён қилиш, айниқса муҳим.

Юқорида келтирилган интернет тармоғи ёшларни оҳанрабодек ўзига тортаётир. Телефонининг охирги интернет маблағи қолгунга қадар қайта-қайта, ҳаёсиз, шармандалик тасвирлари билан иштирок этишга "мажбур" этмоқда. Воажаб! Қизларимиз юзидаги ҳаё пардаси бугун кўтарилгани юракни эзмоқда. Натижада бу каби тасвирлар асрий қадриятларимизнинг аҳамиятсиз бўлиб қолишига туртки бераётир.

Айтишларича, қиз фарзанд туғилса, рўзғорга ризқ кирар, ўғил бола эса ўзи ризқ бўлар экан. Эҳтимол, шу боис оталар қизларни кўпроқ яхши кўришади. Ўрни келганда яна бир гап. Қиз фарзанд оила ор-номуси, таянчи, онаси учун кўмакчи… Бу таърифнинг давоми ҳали узун. Таассуфки, айрим ота-оналар мана шу ориятини ҳимоя қилмаётгандек, уни ўз ҳолига ташлаб қўйгандек туюлади. Натижа эса маълум: ижтимоий тармоқлар, бекорчиликнинг асираси, "оммавий маданият" гирдоби, ёт таъсирлар ғалабаси, билъакс, қадриятлар қадрсизланишига олиб келади.

Фикримиз исботини бугун интернет тармоғида фаол бўлган, юриш-туришидан ўзини "замонавий" ҳисоблайдиган қизларнинг ахлоқсизлик мақоматида кўриш мумкин. Ўта тор ёки калта шим, ярим яланғочлик, маъсумалик ўрнига лоқайд боқадиган, ҳаддан зиёд бўялган кўзлар, юзлар ориятини келтиради. Уларнинг ҳаёсиз гапларидан, бу қизлар, йигитларга нима бўлган? Уларни шайтон йўлдан урганми, бу қизларимиз ниманинг қулига айланмоқда?, деган савол чулғайди хаёлни.

Муаллиф Сафар Остонов "Наҳотки шулар ўзбекнинг қизлари, аёллари, Ўзбекистоннинг фарзандлари бўлса, деган саволдан юракда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади", деб куюниб ёзади.

Дарҳақиқат, бу ўзбек қизлари шу тахлит отаси ва онаси олдида тармоққа чиқмаяптими? Ориятли акалар, тарбиячи тоғалар, меҳрибон амакилар қани? Ибрат бўлувчи онанинг ўрнини босувчи амма-холалар қаерда қолди? Улар нима билан банд? Уларнинг дарди, қайғуси нима? Тарбиядаги ноқислик оилани, миллатни маънавий таназзулга етаклайди. Шу боис мақола муаллифи фикрларини қўллаб-қувватлайман.

Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ҳадисларда келтирилишича, ҳаё иймондан. Яъни, бу икки фазилат ёнма-ёндир. Аллоҳ адашувчининг аввал ҳаёсини, ундан кейингина иймонини олиб қўяр экан. Шунга кўра айтиш мумкинки, инсондан ҳаёнинг кўтарилиши ажиб бир огоҳлантиришдир. Бундан ташқари, иймоннинг ўз эгаси билан жаннатда ҳам бирга бўлиши эътиборга олинса, ҳаёнинг ҳаётимизда тутган ўрни нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни илм-фан, спорт, санъатга бўлган қизиқишини ошириш талаб этилади. Аммо олтинга тенг бўлган вақтларини бекорчи нарсаларга сарфлаётган ёшлар, афсуски, оз эмас, ачинарли ҳолдир. Ижтимоий тармоқлардан фойдали билим олиш ўрнига маза-матрасасиз, ҳаёсизлик, ахлоқсизлик, жангариликни тарғиб қиладиган видеоларни кўриш, ғарбнинг "оммавий маданияти" таъсирига тушиб, кўр-кўрона тақлид қилаётган ўғил-қизларимизни бу йўлдан қайтаришимиз зарур. Бу каби салбий иллатларга қарши курашда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

– Аввало, газета, журнал, радио, телевидение ва интернет хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мультимедиа ва роликларни кўпайтириш. Ёшлар онгига ижобий таъсир этувчи мусиқа ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш;

– ёшлар онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларига онгли ёндашиш, ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларининг акс этишига эришиш;

– тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш;

– миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш. Бунда, асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанднинг бурчи, ўзаро меҳр-оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё каби фазилатларга содиқ қолиш;

– миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш. Бунинг учун таълим ва миллий тарбияни ривожлантириш, урф-одат, анъана ва қадриятларни умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда ёшлар дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш. Ёшларнинг маънавий, сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қарор топиши, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши глобаллашув шароитида тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлайди.

Ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашда бой маънавиятимиз биз учун нажоткор ва халоскор куч. Асрлар давомида сайқалланиб келган маънавий-ахлоқий қадриятларимиз эса қалқон вазифасини ўтайди. Улар жам бўлса, шубҳасиз, юртимиз буюк, ҳаётимиз фаровон, қадриятларимиз абадий, ёшларимиз маърифатли бўлади.

ЁТ ҒОЯЛАР ВА БУЗҒУНЧИ ХАБАРЛАР

таъсиридан ёшларни асраш учун миллий қадриятлардан қалқон сифатида фойдаланмоқ зарур

Минажатдин ҚУТЛЫМУРАТОВ, Журналист, Қорақалпоғистон Республикаси:

— «Маънавият ва миллий хавфсизликка тажовуз ёки ижтимоий тармоқлардан бири - TikTokдаги ахлоқсизлар ҳақида мулоҳазалар» деб номланган мақолани диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам бугунги катта муаммолардан бири ёшлар тарбиясидаги бузилишлардир. Интернет тармоқларида турли хил ахлоқсиз, шарм-ҳаёсиз видеолар кўпайиб бормоқда, айрим ёшлар урф-одатларимизга умуман тўғри келмайдиган қилиқлар кўрсатишмоқда, гап-сўзлар айтишмоқда.

Бу ёшлар қаёққа қараб кетяпти? Уларнинг мақсади нима? Назаримда улар бузғунчи кучларнинг қулига айланиб қолишмоқда, ўз ҳаётларини ўзлари барбод қилишмоқда.

«Бир болага етти маҳалла ота-она» деган ибора қайда қолди? Мактаб, ота-она, маҳалла барчаси жамланиб иш юритмаса, ёшларимизни ёт ғоялардан ҳимоя қилишимиз қийин кечади. Хавф-хатар кучайиб бораверади. Ёшларга интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш йўлини ўргатмоқ керак. Мана, энг ривожланган Япония давлатини олиб қарайлик. Японияга интернет биздан олдин кириб келган. Қарийб 50 йилдан буён интернет тармоғидан фойдаланилади. Лекин, болаларга мактаб давридан тўғри йўналиш берилади. Вақтида тўғри тарбия берилса, самараси бўлади. Ниҳолга ҳам яхши тарбия зарур. Бўлмаса қийшиқ ўсади. Қийшайиб ўсган дарахтни минг уринманг, тўғрилаб бўлмайди. Бола тарбияси ҳам шундай.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Кейинги йилларда газета-журналларга обуна кескин тушиб кетди. Чунки, айрим "арбоб"лар «Обуна керак эмас, интернет тармоғидан хоҳлаган маълумотни топиб оламиз», деган ғояни илгари сурди. «Балиқ бошидан чирийди» деган гап бор. Айрим раҳбарлар, обунага буткул қарши турди. «Мажбурий обунага йўл қўймаймиз» дея, гуё демократ фикрларни айтишди. Яна Япония давлатидан мисол келтирмоқчиман. Японияда газета-журналлар миллион-миллион нусхаларда чоп этилмоқда. Бир кунда уч маҳал чиқадиган газеталар ҳам бор. Кимлардир, сизлар ҳам улар даражасида газета чиқаринглар, дейиши мумкин. Газета ўқимайдиган сафсатабозларнинг гапи шундай бўлади. Ваҳоланки, бугунги газеталаримизнинг деярли ҳар бирида ўқиладиган мақолалар бор. Гап бошқа ёқда. Жамиятда газета ўқишга эҳтиёж шаклланмаган. Аслида газеталар маънавият ўчоғи. Газеталарда бузғунчи ғоялар, ҳаёсиз расмлар чоп этилмайди. Газета одоб-ахлоқ нормалари асосида иш олиб боради. Газетадаги мақолалар неча кишининг қўлидан ўтади, таҳрирланади.

Биз келажагимиз ҳақида қайғуришни хоҳлар эканмиз, бузғунчи ғояларга, таҳдидларга, хавф-хатарга биргалашиб курашишимиз шарт. Ота-оналар қиммат телефонларни болаларига олиб бериб, кўз-кўз қилишни яхши кўради. Лекин бу телефонинг ичида нималар борлиги билан қизиқиб кўришмайди..

Биз миллий мафкурамиз, маданиятимизга зид ҳар қандай бузуқ ғояларга қарши курашишимиз зарур. Миллий қадриятларимиз билан суғорилган ахлоқ-одоб, маънавиятимиз, маданиятимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилишимиз шарт! Бугун, ҳозир ҳаракат қилинмаса, бу касаллик авж олиб кетиши, кейин кеч бўлиши мумкин. Сафар Остонов кўтарган масала ўта долзарб бўлиб, унга давлат даражасида эътибор қаратилиши зарур, деб ўйлайман.

Чора кўрилмаса, кеч бўлади

Азамат СУЮНОВ, журналист.

— Республикамиз матбуотида миллий қадриятларимиз, кийиниш маданияти, одоб-ахлоқ хусусида ғоят долзарб муаммолар кўтарилмоқда. Бироқ бу муаммолар Tik Ток аталмиш ижтимоий тармоқда кўрганларимиз олдида ҳолва экан.

"Ўзбекистон овози" газетасининг 2021 йил, 10 март сонида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сафар Остоновнинг "Муаммо ва таклиф" рукни остида "Маънавият ва миллий хавфсизликка тажовуз ёки ижтимоий тармоқлардан бири – Tik Токдаги ахлоқсизликлар ҳақида мулоҳазалар" мақоласини, тўғриси, ўқиб чиқиб, оғир хаёлга ботдим. Дарҳақиқат, бу уятсизликларга тоқат қилиб бўлмайди. Мақоладаги фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Tik Токдаги ярим яланғоч кийинган, оғзидан уятсиз, ахмоқона сўзлар чиқаётган бу қизлар ва аёллар маънавиятимизга келтираётган зарарнинг чеки йўқ. Улар ёшлар тарбиясини емиришмоқда, миллий қадриятларни оёқости қилишмоқда. Ярим яланғочлик, уятли сўзлар йигитларнинг ҳафсаласини пир қилади, қизлардан кўнгли совийди. Қизлар-аёллар қадрсизлана бошлайди. Бунақаларни кўраверib, вояга етган йигитларда қизларга бўлган муносабатда муаммолар ҳам пайдо бўлишини мутахассислар гапиришмоқда.

Tik Токда йигитларнинг беандиша гап-сўзлари ҳам ғайриахлоқийликдан бошқа нарса эмас. Йигит киши шу даражада тубанлашадими? Бундайларнинг танобини тортиш вақти келмадимикин? Тўғри айтиляпти, бундайларга нисбатан қонуний чораларни кучайтириш керак. Майли, қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритайлик, ёшларни ҳаёсизликлардан ҳимоя қилайлик.

Менталитетимизга хос бўлмаган бундай ғайриахлоқий тармоқларга боғланиб қолиб, чимилдиқ кўрмай, бевақт ҳомиладор бўлиб қолганлар камми? Уятсиз аёлларнинг гаплари ўсмирлар, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилиши нега бизни безовта қилмаслиги керак? Агар ҳозир тегишли чора-тадбир кўрилмаса, кейин кеч бўлишини ўйлайлик.

O'zbekiston ovozi

МУРОЖААТНОМА

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

АЙРИМ РАҲБАРЛАРГА КАДР ТАНЛАЙ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛАЁҚАТИ ЕТИШМАЙДИ



Давлат бошқарувида, унинг таркибий тузилмаларида ёш, инновацион фикрлайдиган, ташаббускор, ватанга содиқ янги авлод кадрларини тарбиялаш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш янгиланаётган Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, давлат ва жамият тараққиёти шу мамлакатда яшайдиган, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият юритаётган мутахассис кадрларнинг касбий билим ва малакасига, юртга, халққа садоқатига боғлиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган биринчи кунлардан бошлаб кадрлар салоҳиятига, уларни халқ билан ишлай олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратди. Янгича фикрлайдиган, инновацион билим ва тафаккурга эга бўлган, хорижий мамлакатларда таълим олган ёш, иқтидорли кадрларни давлат бошқаруви органларига, корхона ва ташкилотларга, таълим муассасаларига раҳбар этиб тайинлаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Чунки, шиддат билан ўзгариб бораётган замон, давр талаби бошқарув кадрларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролига мутлақ бошқача талабларни қўйди. Айниқса, бугунги кунда дунёда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий, экологик, диний ва этник муаммолар қаторига коронавирус пандемиясининг кириб келиши нафақат инсонлар соғлиғини сақлаш, шунингдек, уларнинг пандемия шароитида ишлаши, оиласини боқиш масалалари ҳам давлат, жамият олдида яна бир муаммо сифатида кўндаланг қўйилди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, давлат бошқарувида кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиёти, ҳокимият, ижтимоий-сиёсий жараёнларга доир масалалар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиб келинганлигига гувоҳ бўламиз. Унда сиёсий элита ва сиёсий етакчилик билан боғлиқ илмий-назарий концепция ва қарашлар, ғарб ва шарққа хос мактаблар мавжуд бўлган. Бу таълимотлар Ўзбекистоннинг давлат бошқарув тизимида раҳбар ва бошқарув кадрлари шаклланиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда муҳим назарий ва амалий асос сифатида хизмат қилади.

Хусусан, Марказий Осиёдан чиқиб, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар — Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Шарофиддин Али Яздий, Низомулмулк, Хондамир, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Наршахий, Самандар Термизий асарларида миллий давлатчилигимиз тарихида кадрлар масаласи "ҳоким", "шаҳар ҳокими", "раҳбар", "раҳбарлик" тушунчалари орқали сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги авлод кадрлари, хусусан, юқори бошқарув бўғинидан тортиб, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, таълим муассасалари (мактабгача таълим, умумтаълим, олий таълим) раҳбар кадрларини тарбиялашни хорижий тажрибалар асосида йўлга қўйиш, бу жараённинг иқтисодий-ҳуқуқий ва методологик асослари тўғрисида қатор таклифлар ва тавсиялар билдирган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016-2021 йилларда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий давлат сиёсатида кадрлар муаммоси, уни ҳал этиш биринчи ўринга чиқарилди. Бу борада янги ғоялар илгари сурилди, муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Уни тўлақонли, виждонан бажариш учун ҳар бир меҳнат жамоасида авваламбор соғлом муҳит, ишчанлик кайфияти ва энг асосийси, адолатли бошқарув тизими бўлиши керак.

Президентимизнинг 2018 йил 6 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2019 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги "Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар фақат янги бошқарув тузилмаларини яратиш, замонавий технологияларни бошқарув жараёнига жорий этишга қаратилмасдан, раҳбар кадрларнинг жамоа билан ишлаш самарадорлиги, жамоада ишчан, ижодкорлик, соғлом муҳитни, соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бу эса касбий билим ва малакаси юқори, инновацион тафаккурга эга, муаммоли вазиятларда ҳар томонлама тўғри, пухта ўйланган қарорлар қабул қиладиган ва, албатта, уни амалга ошира оладиган авлод раҳбарларини тайёрлаш ва тарбиялаш вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

Биз бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини келтиришимиз мумкин.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда ходимларни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат фуқаролик хизмати ишлари бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. Мазкур қарор янги Ўзбекистонда янгича раҳбар кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, энг муҳими, кадрлар сиёсатида шаффофликни таъминлашга қаратилди.

Ҳозирги замон раҳбари, авваламбор, муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, ташкилотчи ва иродаси мустаҳкам шахс бўлмоғи керак. Шунингдек, раҳбардан ўз зиммасидаги вазифаларнинг самарали бажарилиши, қўл остидагиларни ҳам шунга сафарбар этиши, жамоани қийнаётган жиддий муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечимини топиши, муаммоли вазиятларни донолик билан бартараф этиши, ўз ишига танқидий қараш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Инсонларни бир жамоа мақсади йўлида самарали меҳнатга жалб қилиш, қолаверса, раҳбар ва ишчи ходим ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатларни шакллантириш, ҳар бир шахснинг ўзига хос руҳий, ижтимоий хусусиятларини атрофлича ўрганиш, юқори даражадаги самарали персонални бошқаришга эришиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Чунки меҳнат жамоаларида самарали бошқаришни ташкил этиш учун ишчиларнинг ўз қобилиятларини намоён этишга, астойдил меҳнат қилишга ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланишга ундовчи мотив ва рағбатлар тизими зарур. Ушбу тизимни эса шахслар психологияси ва жамоа ривожланишининг ижтимоий-психологик қонуниятларини ҳисобга олмасдан яратишнинг иложи йўқ.

Жамоада соғлом муҳитни яратиш, бу жараёнда раҳбар кадр ҳамда ишчи-ходим муносабатлари, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалаштиришда турли усул ва механизмлардан фойдаланиш, самарали бошқарув фаолиятини шакллантириш масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ва изланишларни хорижий олимлар қаторида ўзбек олимлари ҳам ўрганмоқда. Бу борада Қ.Абдураҳмонов, Ш.Холмўминов, Э.Набиев, А.Ҳайитовлар ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ишчи-ходимларни бошқариш ва корхона бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий-психологик жиҳатларнинг ўрнини тадқиқ этиш, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантиришнинг бир қатор жиҳатлари ишлаб чиқилган бўлса-да, бироқ буларни етарли деб бўлмайди. Жумладан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитида корхона бошқарувида ходимларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш, хусусан, соғлом меҳнат муҳитини шакллантириш, бунда ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш, шу йўл билан бошқарув фаолиятини такомиллаштириш масалалари охиригача ишлаб чиқилмаган. Шу муносабат билан мазкур мақола айнан шу муаммоларни ўрганишга қаратилганлиги билан ҳам долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, кадрлар тайёрлаш борасида кўплаб олимлар ўрганиш ва изланишлар олиб борган, бу ҳақда китоблар чоп этилган. Ана шу изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақил Ўзбекистоннинг давлат бошқарувида, хусусан, корхона ва ташкилотларда соғлом муҳит яратишда раҳбарнинг роли мавзуси бўйича шахснинг ижтимоий-иқтисодий билимлари билан бир қаторда унинг жамоада, жамиятда, корхона ва ташкилотларда соғлом муҳитни шакллантириши борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда, улар ўзининг самарасини кўрсатмоқда.

Биринчидан, жамиятда соғлом муҳит яратиш борасида бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳолининг кўплаб ижтимоий муаммолари ҳал қилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириққа асосан, ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этиш бўйича яратилган янги тизим, яъни "маҳаллабай" ишлаш тизими орқали маҳаллалардаги, хонадонлардаги ишсиз, кам таъминланган хотин-қизлар, ёшлар рўйхатлари шакллантирилиб, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилмоқда.

Бу оилаларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш мақсадида касаба уюшмалари вилоятлар кенгаши томонидан уларнинг бандлиги таъминланмоқда, муҳтож оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун маблағ ажратилмоқда ҳамда эҳтиёжманд фуқароларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилиб келинмоқда.

Биз биргина касаба уюшмалари томонидан қилинаётган ишларга тўхталдик. Ваҳоланки, бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, секторлар раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар томонидан ушбу яратилган янги тизим бўйича "маҳаллабай" ишлаш орқали ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Касб-ҳунарга ўқитиш марказларида 5 турдаги мутахассислик бўйича 360 соатлик ўқув дастурлари асосида фуқаролар касб-ҳунарларга ўқитилиб, уларга сертификат берилмоқда, мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилиб келинмоқда.

Албатта, ушбу амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад — аҳолини рози қилиш, уларни эртага эмас, бугун фаровон ҳаётда яшашларига кўмак бериш орқали жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдан иборат.

Юқорида жамиятда соғлом муҳит яратиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Энди корхона, ташкилот ёки муассасаларда, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни яратиш бўйича айрим жиҳатларга эътибор қаратсак.

Ҳар бир меҳнат жамоасида соғлом муҳитни яратиш биринчи навбатда раҳбар кадрларга ва улар томонидан танлаб олинган ишчи ходимларга боғлиқ.

Раҳбар меҳнат жамоасида соғлом ва муносиб иш шароитни яратиш орқали иш самарадорлигини оширишни мақсад қилган экан, авваламбор унинг ўзи бугунги раҳбарга қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Яъни, раҳбар маънавиятли бўлиши, тезкор ва тўғри қарор қабул қилиши, етакчилик ва лидерлик қобилиятига эга бўлиши, жамоада тўғри ишлашни билиши, қарор қабул қилишда ходимларнинг фикрини инобатга олиши лозим.

Бундан ташқари, раҳбар жамоани шакллантиришда кадрлар танлашга алоҳида эътибор бериши лозим. Яъни, бугунги кунда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) орқали, танлов асосида ишга қабул қилиш самарали усул ҳисобланади ва ўз натижасини беради.

Айрим ҳолларда раҳбар янгидан ташкилот ёки корхонага раҳбар лавозимига киришган бўлса, айрим ходимлар узоқ йиллардан бери ушбу ташкилотда ишлаётган бўлса, янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг дунёқараши ва фикрлаши ўртасидаги фарқ ўзаро низо келтириб чиқишига сабаб бўлади.

Мазкур ҳолатда ёки шунга ўхшаш вазиятларда раҳбарнинг вазиятни тўлиқ қўлга олиши ва низони бартараф этишида юқорида санаб ўтилган мезонлардан ташқари ҳаётий тажриба ҳам муҳим омил саналади.

Яъни, корхонада эскидан ишлаб келаётган ходим ва янги ишга келган ёш мутахассис ўртасида иш тақсимоти, унинг кунлик, ҳафталик иш режаси, амалга ошираётган ишлари ва эришилган натижаларини таҳлил қила олиш ҳамда тўғри хулоса чиқара олиши талаб этилади.

Меҳнат жамоасида шунга ўхшаш низоли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида раҳбар барча ходимлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, уларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатиши, барча ходимлар ўртасида мулоқот, ишлаш маданиятини шакллантириши ва уларга тўғри тушунтириб бериши лозим.

Шунингдек, муайян ютуқларни қўлга киритиш учун раҳбар мақсадни аниқ белгилаши, унга эришиш йўллари ва воситаларини тўғри танлаши, жамоани ўз атрофида жипслаштириб, қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар эта олиши керак. Яъни, ишни ўз вақтида бажарадиган, гапни ўрнига қўйиб айтадиган бўлиши лозим. Афсуски, ҳозирги кунда илмга қизиқмайдиган, муваффақиятни фақат пул, моддий бойликда деб тушунадиган шахслар ҳамон учраб туради. Пул бундай одамларни тўлиғича ўзига бўйсундириб олади ва касбий, маънавий ўсиш учун унга имконият қолдирмайди.

Бугунги кунда жамиятимизда раҳбар кадрлар фаолиятида кузатиладиган энг катта ва мураккаб муаммолардан бири – бу ўз ташкилоти ва тармоғи учун кадр танлай олиш ва уларни бошқариш лаёқатининг етишмаслигидир. Бу борада афсуски, раҳбарларда HR (инсон ресурсларини ривожлантириш) борасидаги билимларнинг пастлиги сақланиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқларига зид равишда, шунингдек, инсон ресурслари мамлакатнинг миллий бойлигига айланиши шароитида ташкилотга келган янги раҳбарда олдиндан ишлаб келаётган ходимларга нисбатан «бутунлай тозалаш» операциясига мойилликнинг мавжудлиги ва бу жамиятда катта норозиликларга сабаб бўлишини эса минг афсуски, кўплаб раҳбар англаб етмаяпти ва бундай номақбул ишлар бор. Ходимларга паст назар билан қараш, гоҳида ўзининг тор мезонлари ёрдамида уларни саралаш, ўзининг яккаҳокимлигига таяниб, хоҳлаган кадрларини ишлатиб ва қолганларини бўшаб кетишга мажбур қилиш, «нотаниш» ходимлардан хавфсираш, уларга душман сифатида қараш руҳиятидан озод қилиш масаласи соҳадаги энг долзарб вазифалардан бўлмоғи шарт.

Айниқса, ходимларнинг ноҳақ бўшатилиши, уларга доимий руҳий босим ўтказилишидан ҳимоя қиладиган ҳуқуқий механизм ёки тизимни яратиш энг устувор вазифа сифатида тезда ечимини топиши лозим. Демак, замонавий раҳбарларда юқоридаги келтирилган салбий ҳолатларни келтириб чиқармаслик юқори компетент ва ахборот маданияти шаклланган бўлиши лозим. Чунки, раҳбар кадрлар замон билан ҳамнафас бўлиши, атрофдаги сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қила олиши лозим.

Бугунги давр давлат хизматчилари олдига янгича талаблар қўймоқда. Мамлакатимизни замонавий босқичда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни рўёбга чиқариш учун бошқарув усулларини қайта кўриб чиқиш, фаолият самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон жамиятининг қайси бўғинидан қатъи назар, соғлом муҳитни яратишда биринчи даражали раҳбар масъулдир.

Бунинг учун биз садоқатли, масъулиятли, халқ манфаати ва тинчлигини, фаровонлигини ўйлайдиган, унинг ғамини ейдиган, ишнинг кўзини биладиган, замонавий фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга муносиб раҳбарларни топиш, тарбиялаш, масъул лавозимларга тайинлаш, фаолиятини доимий мониторинг қилиш сингари вазифаларни давлат сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида белгилаб олсакгина, олдинга қўйилган мақсадларимизга эришамиз. Чунки, замоннинг ўзи бизни тараққиёт йўлида йўқотилган вақт ўрнини тўлдиришга, халқимизнинг дарду ташвишларини бартараф қилишга, эртанги куннинг муносиб авлодларини тайёрлашга ва улар олдида масъулиятни янада чуқур ҳис қилишга ундамоқда.

Акбар ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" АРАЛАШУВИ БИЛАН...

муаммо ҳал бўлди

Тезкор даврда яшаётганимизни ҳар биримиз ҳис этиб турибмиз. Барча соҳада ўзгача ўзгариш ва барқарор тараққиётни кузатиш мумкин. Ана шундай бунёдкорлик ва янгиланишларга Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётгани қувонарли, албатта.

Ҳозирги кунда ҳудудда 2 минг 600 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 42 та қуйи бўғин фаолият кўрсатаётган бўлса, халқ депутатлари туман Кенгашида партиямиздан сайланган 8, вилоят Кенгашида эса бир нафар депутат иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, сиёсий куч халқ ишончини қозониб, электоратимиз вакилларининг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланган.

— Аммо ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди **Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ботиржон Ражабов.** — Биз 2013 йилдан буён Мустақиллик кўчаси, 72-уйнинг 1-қаватида жойлашган 2 та хона ва мажлислар залидан фойдаланиб келаётгандик. Умумий майдони 112,46 квадрат метрни ташкил қиладиган жой ҳокимлик биносида бўлса-да, 2013 йилнинг 20 мартдаги 516-сонли қарор билан кенгаш тасарруфига ўтказиб берилганди.

Янги бино қурилиши муносабати билан ўтган йилнинг октябрь ойи бошларида биз фойдаланаётган хоналар ҳамда мажлислар зали ҳам бузиб ташланди. Амалдаги қонунларимизга кўра, бизга тегишли тартибда компенсация тўланиши, бино қуриш учун ер майдони ёки фаолият кўрсатишимиз учун хона ажратилиши лозим эди. Афсуски, мутасаддилар бунга амал қилмади. Бошпанасиз қолгандан кейин Мустақиллик кўчасидаги 64-уйга ижара асосида кўчиб ўтишга мажбур бўлдик...

Мазкур муаммо хусусида "Ўзбекистон овози" газетасининг шу йил 6 январь ва 24 февраль сонларида "Ҳоким нега қонунни бузди?" сарлавҳали танқидий мақолалар эълон қилинди. Шундан кейингина масала ижобий ечим топадиган бўлди.

...Яқинда Шўрчи туман ҳокими Б. Худойбергановнинг 01-03/142-сонли (2021 йил 20 февраль) кафолат хатини олдик. Унда жумладан шундай дейилган: ...Шўрчи туман ҳокимлиги биноси 1958 йилда қурилган. Сурхондарё вилояти қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясининг хулосасига кўра, "Наврўз" маҳалласи ҳудудида жойлашган Шўрчи тумани ҳокимлиги маъмурий биноси асосий юк кўтарувчи конструкцияларининг техник ҳолати қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига, жумладан, "Зилзилавий ҳудудларда қурилиш" ва "Ёнғин хавфсизлиги" меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб бермаганлиги аниқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 октябрдаги "Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 872-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан 2020 йил 10 июнда "Шўрчи тумани, "Наврўз" маҳалласи, Мустақиллик кўчасида Шўрчи туман ҳокимлигига янгидан маъмурий ва қўшимча бинолар ҳамда мажлислар зали қуришга рухсат бериш тўғрисида" Қ-1105-сонли қарор қабул қилинган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, янгидан қурилиши режалаштирилган туман ҳокимлиги биносидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шўрчи туман кенгашига 112,46 квадрат метр хона ажратиб беришга кафолат бераман...".

Шўрчи туман партия ташкилоти жамоаси, депутатлар ва фаоллар қарийб беш ойдан буён ечимини кутиб ётган муаммо "Ўзбекистон овози" газетаси аралашуви билан ҳал бўлганидан миннатдор.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

O'zbekiston ovozi

МУРОЖААТНОМА

Ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

МУТАХАССИС ФИКРИ

ЕРНИ БОҚСАНГ, ЕР ҲАМ СЕНИ БОҚАДИ

ёки нега суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги аксарият ҳолларда йилдан-йилга пасайиб кетаяпти?

Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида тупроқнинг табиий унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, етиштирилган маҳсулот сифати ёмонлашди, атроф-муҳит ифлосланиши ортди. Глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда сув танқислиги юзага келди, ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келиши оқибатида суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, фойдаланишга ярамай қолди. Бу ерлардаги тупроқнинг 93 фоизида ҳаракатчан фосфор миқдори, 68,3 фоизида алмашувчан калий миқдори, 79,3 фоизида гумус (чиринди) миқдори ўртачадан паст даражага тушиб қолди.

Миллий даромади Ўзбекистон билан деярли бир хил бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун давлат бюджетининг 4-5 фоизи йўналтирилади ёки ЯИМга нисбатан ривожланаётган мамлакатларда бир фоиздан ортиқроқни, даромади юқори бўлган давлатларда эса бир фоиздан камроқни ташкил этади. Ривожланган давлатларда бир метр куб сув билан 4-6 АҚШ долларлик маҳсулот етиштирилаётган бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи жуда кўп – 45 696 млн. метр куб ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурслари билан таққослаганда, унинг 90 фоизини ташкил этади. Интенсив қишлоқ хўжалиги жорий этилмаганлиги, экинларнинг иқтисодий самарадорлиги ва бозор конъюнктураси ҳисобга олинмагани сабабли ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн. гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн. гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хомашё етиштирилмоқда.

Тупроқ унумдорлиги деганда, физикавий, химиявий, биохимиявий ва бошқа омиллар эвазига ўсимликлар учун зарур мўътадил ҳаво, сув ва озиқланиш шароитларини вужудга келтириш тушунилади. Мамлакатимиз олимлари тупроқ унумдорлиги ҳақидаги фанга бебаҳо ҳисса қўшдилар. Буюк тупроқшунос олим В.Докучаев "она жинси ўсимликлар ва ҳайвон организмлари таъсири натижасида вужудга келган ҳосилдан иборат" деб, тупроққа мукаммал таъриф берди. Ер билан тўғри муносабатда бўлинса, у муттасил яхшиланиб боради.

1981 йилдан Зарбдор туманидаги "Ғалаба" хўжалигида агроном, бўлим бошлиғи вазифаларида ишладим. Ўша вақтларда ҳам ерларнинг унумдорлиги паст, шўрланиш даражаси юқорилиги, тупроққа маҳаллий ўғитларнинг берилмаслиги натижасида тупроқ структураси, ғоваклиги, биологик, физикавий, химиявий хоссалари бузилганлигини, тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг фаолияти йўқлиги, алмашиб экиш системасига эътибор йўқлигининг гувоҳи бўлганман. Тупроқ унумдорлиги, ернинг устки, яъни ўсимликни ўстира оладиган қатламига етарли даражада эътибор қаратилмади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ер ресурсларига нисбатан инсон омилининг салбий таъсири оқибатида улкан майдонларда чўлланиш, тупроқнинг эса эрозия, шўрланиш жараёни юзага келди.

Мен бу ачинарли аҳволни ўрганиб, ушбу камчиликлар ҳақида туман, вилоят раҳбарларига, мутахассисларга мурожаат қилганимда, қаттиқ тайзиққа учраганман. Раҳбарлар менга тинч юришимни, ҳозир мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини химиялаштириш бошланганини уқтирди. Улар ерни кимёвий-минерал ўғитлар билан озиқлантириб, юқори ҳосил олишни ўйлардилар, холос. Маҳаллий ўғитдан фойдаланиш ва алмашиб экиш тизимини жорий этишни тан олишмасди.

Ўрта Осиё суғориладиган зоналарининг тупроғи азотга бой эмас. Бу тупроқларда азот миқдори 0.07 фоиздан 1.15 фоизгача бўлади. Тупроқдаги азот миқдори тафовути тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг хусусиятларига, деҳқончилик маданиятига боғлиқ. Тупроқдаги азот формалари асосан тупроқнинг чиринди таркибини ташкил қилувчи турли хил органик бирикмалардан иборат. Ўрта Осиё тупроғидаги гумус таркибида "тупроқ оқсили" кўп бўлиб, жонли микроорганизмлар плазмасидан иборат. Суғориладиган типик бўз тупроқ ҳайдалма қатламининг ҳар бир грамми таркибида икки миллиарддан ортиқ микроорганизмлар мавжудлиги аниқланган. Бўз тупроқли ерлар гумус ва азот миқдори жиҳатидан дунё тупроқлари орасида охирги ўринни эгаллайди. Бўз тупроқли вилоятларга: Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, ўрта бўз тупроқли вилоятларга Сурхондарё, Қашқадарё, оч бўз тупроқли ерларга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятлари киради.

Ер шарида энг қулай иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44.9 миллион гектарга тенг. Шундан фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги майдонлари 26.5 миллион гектарни ташкил этади. Шу майдоннинг 22.5 миллион гектари саҳро ерларда жойлашган яйловлардир. Ҳайдаладиган экинзорлар 4 миллион гектарни ташкил этади. Ўзбекистонда 97 фоиз маҳсулот суғориладиган ерлардан олинади.

Мутахассисларнинг узоқ йиллик илмий кузатишларига қараганда, бир гектар тупроқ қатлами ўзида бир тоннадан ортиқроқ ўсимлик ва ҳайвонот организми ҳаётийлигини таъминлайдиган, одам учун 99 фоиз озуқа берадиган бактериал массани сақлайди. Тупроқнинг бу қимматбаҳо сифати нотўғри муносабат туфайли яксон бўлиши мумкин. Уни тиклаш жараёни эса жуда оғир ва узоқ муддатни талаб этади. Масалан, 10 сантиметр қалинликдаги тупроқнинг унумдорлик қатламини тиклаш учун 100 йил керак бўлар экан. Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, қонунларимиз тупроқнинг унумдорлик қатламини муҳофаза қилишга қаратилган қатъий тартиб ва чораларни ўзида ифода этмоғи лозим.

Республикамизнинг кўпгина шаҳарларидаги кимё заводлари ва саноат корхоналари ер, сув манбааларини экологик жиҳатдан хавфли ва заҳарли чиқиндилар билан заҳарлаяпти. Айниқса, олтин фондимиз ҳисобланган 4 миллион гектар суғориладиган ер ҳам ночор аҳволда. Шундан икки миллион гектар суғориладиган ерларда тезликда ҳосилдорликни тиклаш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Ҳозирги пайтда 40 фоиз суғориладиган ерларнинг тупроқ унумдорлиги паст. 600.000 гектар ер ҳар хил касаллик сабабли ишдан чиққан.

Ердан фойдаланувчилар қонун бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан самарали чораларни кўриши, тупроқни шамол, сув эрозиясидан сақлаш юзасидан агротехника, мелиорация ва гидротехника тадбирларини амалга оширишлари, ерларнинг шўр босиши, шўрланиши, ифлосланиши ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Кейинги 35-40 йил давомида алмашлаб экиш тизими қўлланилмаётгани тупроғимизни ночор аҳволга келтирди. Қишлоқ хўжалигида 9 далали, 10 далали пахта-беда алмашиниб экиш системасини амалда қўлламаслик тупроғимиздаги кимёвий, биологик, физиологик жараёнларни, структураси, ғоваклиги, озуқа билан таъминланишини ёмонлаштириб юборган.

Дунё тажрибасида, хусусан, АҚШ (1969 йил), Буюк Британия, Франция ва ГФРда тупроқ муҳофазасига қаратилган махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат ва санитария назорати тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқончилик хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари гарчи тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилишни у ёки бу даражада мувофиқлаштираётган бўлса-да, ундан фойдаланишни яхлит тарзда тартибга сола олмайди. Шу сабабли мазкур соҳада умумий ягона қонуннинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Тупроқ ҳолатини яхшилаш ва унинг унумдорлигини ошириш масаласи Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилик базасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнда "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида", 2021 йил 3 февралда "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида"ги фармонлари, 2021 йил 4 февралда "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув заҳираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик жорий этилиб, ишчи гуруҳи тузилди. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ҳамда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш бўйича ер эгалари ва сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизми йўлга қўйилмоқда.

Менинг асосий инновацион ғоям шуки, агарда 10 далали алмашлаб экиш системаси қўлланилганда, 100 гектар ернинг 70 гектарига пахта, 30 гектарига беда экилади. Ҳар 3 йилда беда майдони алмаштирилиб экилса, 10 йил давомида тўлиқ алмашлаб экиш тизими амалга оширилади. Ушбу пахта-беда алмашлаб экиш тизими қўлланилганида ер озиқланади, дам ҳам олади.

Илгари колхоз-совхозлар даврида ҳар бир хўжаликда 500 дан ортиқ қорамол, 10-12 мингдан ортиқ қўй-эчки, камида 350-400 бош от бўларди. Ҳатто айрим хўжаликларда 500 мингдан ортиқ парранда боқиларди. Ана шу чорва моллари ва паррандалар гўнги махсус чуқурларда чиритилиб, ер майдонларининг ҳар гектарига 15-20 тоннагача берилганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Ерларнинг унумдорлиги кескин ошиб, ҳар гектар ердан ҳосилдорлик 45-50 центнердан ошиб кетарди. "Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади", деган сўз бор. Ўша пайтда ҳатто тупроқни табиий ўғит билан таъминлайдиган махсус бригадалар ташкил этилганини яхши эслаймиз. У вақтларда минерал ўғитлардан кам фойдаланиларди. Чунки, маҳаллий ўғит тупроқни етарли озиқа моддалари билан таъминларди. 1980 йиллардан бошлаб маҳаллий ўғитга эътибор сусайди, унинг ўрнига азотли, фосфорли, калийли ўғитлар ишлатилиши ҳисобига ҳосилдорликни оширишга зўр берилди.

Минерал ўғит ишлатишдан мақсад – тупроқни ўсимликларга сингадиган озиқ модда запаслари билан бойитиш, шу йўл билан унинг самарадорлигини оширишдан иборат. Ундан оқилона фойдаланишда асосий эътибор ўғитлашнинг умумий нормаларини оширишга ҳамда уларни агрохимия картограммалари асосида тўғри тақсимлашга қаратилиши лозим. Ҳозирги вақтда тупроқ унумдорлиги ва ўсимликларнинг озиқ моддаларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитлар солиш нормаларини илмий асосланган тавсиялар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тупроққа ҳаддан зиёд нормада минерал ўғитлар берилиши ундаги фойдали микроорганизмларнинг нобуд бўлишига, тупроқ ғоваклиги, структураси бузилишига, тупроқ унумдорлигининг кескин пасайиб кетишига олиб келди. Тупроқ таркибида тузлар, карбонатлар миқдори ошиб, минераллашиб, касаллана бошлади. Бу ҳолат ҳозирги кунгача давом этаяпти, заҳарли минерал ўғитлар ҳали ҳам ўзининг салбий таъсирини курсатиб келмоқда.

Республикамиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалиги тараққиётини юксалтиришда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини, эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришда ер бойликларидан унумли ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ердан илм-фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш ҳаётий заруратдир.

Маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклашда, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда асосий омиллардан ҳисобланади. Улар тупроқда озиқ элементларини кўпайтириш билан бир қаторда, унинг сув, иссиқлик ва ҳаво ўтказиш қобилиятини ҳам яхшилайди. Фан ютуқлари асосида маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилганда пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиниб, маҳсулот сифати яхшиланади.

Қўчқор УСМОНҚУЛОВ,
нафақадаги тупроқшунос-агрохимик олим.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу мақоладаги айрим фикрлар баҳсли бўлиши, эҳтимол, кимларгадир маъқул бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ она заминни асраш, тупроқ унумдорлигини оширишдек долзарб масалага жамоатчилик эътибори қаратилмоқда. Агар аҳвол ҳақиқатдан ҳам шу даражада ташвишли бўлса, зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўрмоқ, керак бўлса, масалани қонун ҳимоясига олишни ҳам ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Бу муаммога Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъуллари ва бошқа мутахассислар ҳам муносабат билдиришса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

БИЛАСИЗМИ?

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН

мактабгача ташкилотларга болаларни қабул қилиш тартиби қандай?

Бунинг учун тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг белгиланган тартибда хулосаси берилади;

— Бу соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотга қуйидаги нуқсонлари бўлган болалар қабул қилинмайди:

● оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик;

● шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;

● тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлар;

● турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;

● асаб тизимининг органик шикастланганлиги сабабли сийдик ва нажас ушлаб туролмаслик;

● юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР

қуйидаги миқдорлардаги товарларни божхона тўловларини тўламасдан Ўзбекистонга олиб кириши мумкин:

— Ўзбекистоннинг халқаро аэропортлари божхона чегаралари орқали олиб ўтишда – 2 000 АҚШ доллари;

— Ўзбекистон давлат чегараларининг темир йўл ва дарё божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – 1 000 АҚШ доллари;

— Ўзбекистон давлат чегараларининг автойўл (пиёда) божхона чегаралари ўтиш пунктлари орқали олиб ўтишда – 300 АҚШ доллари;

— халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун – бир календарь чорак мобайнида 1 000 АҚШ доллари;

— халқаро почта жўнатмалари орқали жисмоний шахслар номига келаётган товарлар учун – 100 АҚШ доллари.

Адлия вазирлигини телеграмдаги "Huquqiy axorot" канали.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат шарқшунослик университети 2020-2021 ўқув йили учун қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
2. Эрон-афғон филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
3. Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
4. Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
5. Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин;
6. Педагогика ва психология кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
7. Хитой филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
8. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
9. Ғарб тиллари кафедраси: ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;

Ҳужжатлар газетада эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.

Мурожаат учун телефонлар:
71-233-44-36; 71-233-02-38.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

ЯРАШМОҚ – МУНОСАБАТНИ ЯХШИЛАМОҚ

Дунёда қанча давлат, миллат бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатлари кўп. Ўзбек халқи ҳақида гап кетса, бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиш, кечиримлилик каби олижаноб фазилатлари эътироф этилади. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш юзасидан оширилаётган ислоҳотларда ҳам бу анъана ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, амалиётга ярашув институтининг жорий этилиши натижасида минглаб фуқаролар "судланган", деган тамғадан асраб қолинди, минглаб оилалар ўртасида душманлик кайфияти пайдо бўлишига тўсиқ қўйилди ва фуқаролар манфаати ишончли ҳамда самарали ҳимоя қилиниши таъминланди.

Мустабид тузум даврида, айтайлик, автоулов ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, гарчи у пушаймон бўлиб, жабрланувчига етарлича ёрдам кўрсатган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка тортиларди. Бундан унинг оиласи ҳам азият чекар ва фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди. Бир одамни жазони ижро этиш муассасида сақлаб туришнинг ўзи ҳам давлатга ортиқча харажат эканлигини ҳисобга олсак, ярашув институтининг қадри янада ошади. Шунингдек, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқиш учун сарфланадиган вақт ҳам, сарф-харажат ҳам қисқаради.

Ярашув институтининг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Яъни, унинг манфаатлари устувор саналади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айбдор жазоланмасдан тарбияланади.

Ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини берди. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатларига барҳам берди. Жараённи тезлаштириш ва соддалаштиришга йўл очди. Фуқароларнинг вақтини тежади.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсак. Пойтахтимизда яшовчи Матназар Холиқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳеч бир сабабсиз А.Парпиевни уриб, унга тан жароҳати етказган. Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, у енгил тан жароҳати олган. Суд мажлисида жабрланувчи А.Парпиев гумонланувчи М.Холиқов билан ярашганлиги ҳақидаги ариза билан мурожаат этиб, гумонланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрий равишда бўлганлигини кўрсатиб ўтди. Суд жабрланувчининг ярашганлик ҳақидаги аризасини қаноатлантириб, М.Холиқовга оид жиноят ишини тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатди.

Рўзи Ҳайдаров ярашув институти нечоғлик инсонпарвар эканлигини ўз ҳаёти мисолида кўрди. Сабаби, у "Паркент" бозорида фуқаро О.Собировнинг ишончига кириб, 6000 АҚШ доллари эвазига 14 дона эшик ясаб беришни ваъда қилган. Бироқ у ваъдасида турмай, пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Дастлабки тергов органи томонидан у айбланувчи сифатида жиноят ишига жалб қилинган. Суд мажлисида жабрланувчи О.Собиров судланувчи унга нисбатан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини ва у билан ярашганлиги ҳақида ариза билан мурожаат этди. Судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув ихтиёрий равишда бўлганлигини кўрсатиб ўтди. Суд ажримига кўра, жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди.

Яна бир мисол. К.Ҳасанов автомашинасида пиёда Л.Болтаевани уриб юбориб, тан жароҳати етказган. Дастлабки терговда гумонланувчи К.Ҳасанов ва жабрланувчи Л.Болтаева ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраган.

Суд тарафлар ярашганлиги муносабати билан К.Ҳасановга оид жиноят ишини унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатди.

Қисқача айтганда, судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали қўлланилаётгани инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганининг яққол тасдиғидир.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди судьяси.

O'zbekiston ovozi

МУРОЖААТНОМА

Сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ИШЛАР

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда темир йўл тизими, хусусан, минтақавий темир йўл узелларининг фаолияти давр талабига мос равишда ривожлантирилмоқда. Қашқадарё вилояти, Қарши минтақавий темир йўл узелида бўлаётган ўзгаришлар ҳам бунга мисол бўла олади.

Қарши минтақавий темир йўл узели "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ташкилий тузилмаси ҳисобланиб, ўз фаолият йўналишига кўра, аҳоли ва хўжалик субъектларининг темир йўл ташишларига бўлган эҳтиёжини тўла ва ўз вақтида қондиришга хизмат қилади. Шунингдек, ташувлар минтақавий бозори конъюнктурасини ўрганиш, уларнинг инфратузилмасини шакллантириш, темир йўл тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби ўндан ортиқ вазифаларни бажаради. Темир йўл транспорти хизмати мижозлар юки бутлигини таъминлаб, ўз вақтида манзилига етказади, темир йўл транспорти барқарор ва хавфсиз ишлашини, божхона ва солиқ органлари, чегара хизмати билан аниқ мувофиқлаштирилган ҳолда ўзаро ҳамкорликни таъминлайди. Қурилиш-монтаж, пудрат ишларини бажаради.

Қарши минтақавий темир йўл узели бошлиғи Сирожиддин Норқобиловнинг айтишича, корхонага қарашли 6 та корхона ва ташкилот бор. Қорабайир отчилик мажмуаси ҳам шу корхона таркибида.

— Корхонамиз таркибидаги ҳар бир ташкилот аниқ фаолият йўналишига эга, — дейди Сирожиддин Норқобилов. — Масалан, Қарши алоқа ва ишорат муассасасини олиб кўрайлик. Ушбу ташкилот белгиланган масофа чегараларида темир йўл автоматизацияси ва алоқа воситаларининг техник жиҳатдан соз ҳолатини сақлаш, уларнинг нормал ишлаши, бузилишининг олдини олиш ва бартараф этишга асосий масъул ҳисобланади. Яна ҳам содда қилиб айтадиган бўлсам, автоматика ва алоқа воситаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, модернизация, реконструкция қилиш, масофадаги ва фавқулодда вазиятларда аварияларнинг олдини олиш бўйича ишларни ташкил этади. Қарши электр таъминот корхонаси эса алоқа тармоғини электр қуввати билан таъминлайди.

Халқимизда "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", деган нақл бор. Суҳбатдошимиз фикримизни қўллаб-қувватлади. Биз узелнинг таркибий қисми бўлган Қашқадарё темир йўл таъмирлаш корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Ушбу корхона хизмат кўрсатиш чегараларида поездларнинг хавфсизлиги ва узлуксиз ҳаракатланишини таъминлайдиган йўлни, бурилиш мосламаларини, сунъий иншоотларни жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажаради. Шунингдек, тезкор ишларнинг сифатини, йўл тузилиши учун материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, темир йўл кесишмаларида темир йўл ва автомобиль ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга оширади.

Навбатдаги манзилимиз Қарши вагон депоси бўлди. Бу корхона вагонларни мукаммал таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатишни таъминлаш, депо қурилмалари ва жиҳозларини ишлаб чиқиш, техник хизмат кўрсатиш каби вазифаларни бажаради.

— Яна бир корхонамиз Қарши локомотив депоси, — дейди Сирожиддин Норқобилов. — Ушбу корхона белгиланган локомотив паркида тепловозларнинг техник ҳолатини ва улардан самарали фойдаланишни, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бузилишининг олдини олиш, бахтсиз ҳодисалар, носозликларнинг олдини олиш вазифаларини амалга оширади.

Темир йўл узели бошлиғининг гапларини тинглар эканмиз, унинг ўз соҳасини яхши биладиган мутахассис эканига гувоҳ бўлдик. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган Сирожиддин Норқобилов 2005 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаган экан. Ўн беш йилдан ортиқ вақт давомида вилоятда темир йўл соҳасида оддий ходимликдан масъул лавозимларгача бўлган фаолият йўлини босиб ўтган.

— Мақтанишга йўйманг-у, Қашқадарёдаги темир йўл бўйича ҳар бир жой мен учун таниш, — дейди у фахр билан. — 2003 йилда магистратурани тамомлаб, ўз соҳам бўйича участка ишчилигидан фаолиятимни бошлаганман. Ўтган 18 йил давомида иш бошқаруви бўйича муайян тажриба тўпладим. Бунинг учун устозларга, ҳамкасбларга, қолаверса, катта ишонч билдираётган раҳбариятга ўз миннатдорлигимни билдираман.

— Жамоамизда ишчилар учун меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга доимо эътибор қаратиб келинади, — дейди Қарши минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси Султонмурод Қурбонов. — Шунингдек, иш жойларда меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этилишини таъминлаш бўйича мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга оширилади. Ҳар бир ходимнинг оилавий аҳволи, шароитини ўрганган ҳолда иш тутишга ҳаракат қиламиз. Узелда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларга муносиб шароит яратиш бўйича аниқ режа асосида ишлар қилинмоқда. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамида уларнинг меҳнатлари муносиб эътироф этилди ва тақдирланди.

— Жамоамизда катта тажрибага эга бўлган, устозлик мақомидаги инсонлар жуда кўп, — дейди Сирожиддин Норқобилов. — Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Султонмурод ака кўп йиллар давомида вилоятда темир йўл соҳасида самарали ишлаган. Узелнинг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Абдумурод Бозоров ҳам шундай фидойи инсонлардан бири. Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Ислом Нортожиевнинг фаолияти, айниқса эътирофга лойиқ. Биз иш фаолиятимиз давомида бу каби инсонлар тажрибасидан ёшларни баҳраманд этишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз, яъни "Устоз-шогирд" анъанасини йўлга қўйганмиз.

Таҳлилларга кўра, кейинги йилларда мамлакатимизда йўловчиларнинг темир йўл хизматларидан фойдаланишга бўлган талаби анча ошган. Бунда кўрсатилаётган хизмат ва яратилаётган имкониятларнинг ўрни катта бўлаётгани аниқ. Йўловчиларнинг эса ўз манзилига вақтида соғ-омон етиб олишида биз сўз юритган минтақавий темир йўл узели ходимларининг ҳам хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

МЕҲНАТДАН ОБРЎ ТОПГАН ИНСОН

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан кенг қамровли тус олди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Нафақат пойтахтимизда ёки вилоятлар марказларида, балки чекка ҳудудларда ҳам қурилиш-таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари авж олмоқда. Кўплаб янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо қилинмоқда. Қолаверса, кўркам ва шинам хусусий уй-жойлар ҳам қурилмоқда.

Яқинда хизмат сафари билан Қашқадарё вилоятига борганимизда, вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Деҳқонободдаги ўзгаришларни кўриб гапнинг очиғи, мамнун бўлдик. Бугун бу туманда ҳам катта қурилишларнинг, таъбир жоиз бўлса, нафасини сезасиз. Масалан, калий заводининг шундай ёнида жойлашган Бешбулоқ қишлоғида бир текисда қад ростлаган замонавий кўркам уйлар кўзни қувонтиради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳозир Деҳқонободда қурилиш саноати ҳам ривожланмоқда экан. Қандай қилиб дейсизми? Гап шундаки, бу ерда яқиндан бошлаб табиий пардозбоп тошлар қазиб олиниб, маҳаллий саноатда ишлов берилган ҳолда ички бозорга етказиш йўлга қўйилди. Келгусида бу маҳаллий маҳсулотни экспортга ҳам йўналтириш кўзда тутилган.

Туман ҳокимлигидан бу маълумотларни эшитгач, бизда ушбу истиқболли лойиҳанинг асосчиси билан учрашиш истаги пайдо бўлди. Маълум бўлишича, мазкур лойиҳа ишнинг кўзини биладиган тадбиркор Эркин Тўхтаев ташаббуси билан ҳаётга жорий қилинаётган экан.

Гапнинг очиғини айтиш керак, бу инсонни оммавий ахборот воситалари орқали сиртдан яхши таниридик. Бундан 12 йил муқаддам, аниқроғи, 2009 йилда Эркин Тўхтаев "Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом соҳиби бўлган эди. "Ташаббус – 2009" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, "Ташаббус – 2010" кўрик-танловида худди шу йўналишда 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль ва "Матиз" автомашинаси соҳиби бўлган эди. Айниқса, ўтган йили карантин шароитида Эркин Тўхтаев кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан рўзғор учун керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари улашганини, кейинчалик Сардобадаги қурилиш-тиклаш ишларига кўрсатган ёрдами ҳақида интернет орқали ўқиганимизда кўнглимизга ажиб бир ёруғлик ингани ҳам рост.

Эркин Тўхтаев билан танишувимиз жуда самимий кечди. Вилоятдаги катта бир қурилиш ташкилотининг раҳбари бўлган бу инсонни кўпчилик яхши танийди. Кўплаб йирик қурилишларга бошчилик қилган, давлатимиз томонидан қурилиш соҳасидаги ишлари муносиб эътироф этилиб "Шуҳрат" медали билан тақдирланган Эркин ака аввалига ўзининг фаолияти ҳақида гапиришга унчалик ҳам рўйхушлик бермади.

— Энди, одам ўзининг ишини ўзи гапирса мақтанчоқлик бўлади-да, — деди у. — Халқимизнинг, давлатимизнинг бизга билдираётган ишончи зиммамизга катта масъулият юклайди. Худога шукр, оддий оилада туғилиб, эл-юртнинг корига яраётганимиздан хурсандмиз.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, у Яккабоғ туманида туғилиб ўсган ва ҳозир ҳам шу туманда истиқомат қилади. Қурилиш соҳасидаги катта тажрибасидан келиб чиқиб, Деҳқонобод туманида ишлатилмай ётган тошлардан қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Бу режа вилоят, туман ҳокимликлари томонидан қўллаб-қувватлангач, лойиҳа ишлаб чиқилди ва дастлабки иш жараёнлари бошланди.

— Бу лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушгач, ички бозорни яна бир янги қурилиш материали билан таъминлаймиз, — дейди Эркин ака. — Қолаверса, экспортни йўлга қўямиз. Бу ўз навбатида нафақат Деҳқонободнинг, балки Қашқадарё вилоятининг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, иш жойи кам бўлган Деҳқонободда кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Иш режамизда бу туманда гипсокартон, гипс ва гипс маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам бор. Бу режамиз ҳам тез орада амалга ошади.

Суҳбат давомида унга ўз фаолияти ҳақида ҳам савол бердим.

— Мутахассислигим бўйича иқтисодчи-молиячи бўлсам-да, қурилиш соҳаси мен учун қадрли касбга айланган, — дейди Эркин Тўхтаев. — Бундан салкам 30 йил олдин хўжалик ҳисобидаги Қашқадарё вилоятларароо ишлаб чиқариш бошқармасида ишчи бўлиб меҳнат фаолиятимни бошлаганман. 1996 йилда Яккабоғ туманидаги "Тўхта ота Ҳайдаров" ишлаб чиқариш корхонасида иқтисодчи бўлиб ишладим. Тўғрисини айтишим керак, қурилиш соҳаси бизга отамерос, чунки дадам ҳам шу соҳада ишлаб, рўзғор тебратган, бизларни ҳалол меҳнат билан катта қилиб, элга қўшган. Оиладаги муҳит ёки кўникма деймизми, менда ҳам шу соҳада ўз имкониятимни синаб кўриш истаги пайдо бўлди. 2001 йилда "Элёр" хусусий фирмасини ташкил қилдим. Ўшанда 7 нафар ишчи билан иш бошлаганмиз. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, айни пайтда 217 та доимий иш ўрнини яратганмиз. Бундан ташқари, 320 нафар мавсумий ишлайдиган ишчиларимиз ҳам бор.

Эркин Тўхтаев раҳбарлик қилаётган "Азиямегастрой" масъулияти чекланган жамиятини катта компания дейиш мумкин. Жамият бино ва иншоотлар, намунавий уй-жойлар қуриш, лойиҳалаш ва уларни таъмирлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек, аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш, меҳмонхона ва туризм хизматига ихтисослашган. Унинг филиаллари Яккабоғ, Деҳқонобод ва Қарши туманларида жойлашган бўлиб, замонавий технологияларга эга. Жамият томонидан Шаҳрисабз шаҳрида катта кўламдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Бундан ташқари, Урганч шаҳридан оқиб ўтувчи Шовот каналини ободонлаштириш бўйича олиб борилган хайрли ишларга ҳам муносиб ҳисса қўшилган.

— Жамиятимиз томонидан Қарши давлат университетига қарашли барча бинолар реконструкция қилинган, — дейди Эркин Тўхтаев. — Ўтган йили Сардобада юз берган фожиа туфайли уй-жойидан ажралиб қолган одамларни кўриб, чидаб тура олмадим. Ўзимиз кўнгилли бўлиб Оқолтин туманидаги 6 та уй-жойни таъмирлаб, эгаларига топшириб келдик. Айни пайтда Деҳқонобод туманидаги сел-сув омборида, Косон туманидаги Гувалак қишлоғида янги насос станцияси қурилишини, Нишон туманидаги ҳарбий дала ўқув полигонида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириямиз. Ўрни келганда айтишим керак, биз, тадбиркорларга Президентимиз томонидан жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг учун раҳмат айтамиз.

Эркин Тўхтаев йўл, кўприк қуриб, эл оғирини енгил қилди. Хайрли ишлари учун ҳурмат-иззат топди. Унинг ҳаёт йўлига қараб, хулоса чиқарадиган бўлсак, бир ҳақиқат яна ўз тасдиғини топади: астойдил изланган, ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Саҳифани журналист Ойгул РАЗЗОҚОВА тайёрлади.

O'zbekiston ovozi

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

ТОМОРҚА: РЎЗҒОР ТЎКИНЛИГИ, МЎЛ-КЎЛЧИЛИК, ЯХШИ ЯШАШ МАНБАИ

Самарқанд давлат университети раҳбарияти ташаббуси билан агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети олимлари Қўшработ туманидаги мактаблар биология фани ўқитувчилари учун "Томорқада ишлашни ўрганамиз" мавзусида анжуман ўтказди.

Инсоният иқлим ўзгариши, турли табиий офатлар, қолаверса, она табиатга бўлган шафқатсиз муносабатлар ва пандемия туфайли глобал муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса бу озиқ-овқат етишмовчилиги ёки нарх-навонинг ошиб кетиши билан янада хавотирли тус олмоқда. Мазкур ҳолат аҳолини ердан оқилона фойдаланишга, ҳосилдорликни оширишга, унинг агротехник ҳолатини яхшилаш ва соғломлаштиришга ундамоқда.

Бундай вазиятда томорқа хўжаликларидан унумли фойдаланишимиз, ерга, меҳнатга бўлган ёндашувимизни кескин ўзгартиришимиз лозим. Минг афсуслар бўлсинки, аҳолимиз ҳисобида жуда катта ер майдони бўла туриб, унга экин экмаслик ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Мактабларнинг биология фани ўқитувчилари ўзи ишлаётган таълим даргоҳи ва яшаётган қишлоғи, маҳалласида қайсидир маънода агроном ҳам ҳисобланади. Аҳоли, мактаб ўқувчилари, мактабни битириб кетган шогирдлари деҳқончилик, боғдорчилик, ерни экинга тайёрлаш, қайси экинни қачон экиш, қандай парвариш қилиш, уруғлар, навлар, пайвандлаш борасида биология ўқитувчиларидан маслаҳат олишади, ёрдам сўрашади.

Демак, биология ўқитувчиларининг аҳолини томорқадан унумли фойдаланишида, мўл ҳосил олишида ўрни жуда катта. Бу фикр менда Самарқанд давлат университети олимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида туғилди. Тўғриси, тадбирни ўтказиш таклифи айтилганда, масаланинг моҳиятини у даражада англамаган эдим. Семинарни ҳам ҳар доимги учрашувлардан бири бўлса керак, деб ўйладим. Лекин анжуман менда бутунлай ижобий таассурот қолдирди. Сабаби, ушбу ғоя ва лойиҳа жуда муҳим ва ўз навбатида ўта долзарбдир.

Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродовга Қўшработ тумани аҳолиси, халқ таълими ходимлари номидан алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Анжуманда иштирок этган биология фани ўқитувчилари — 85-мактабдан Шерзод Қўчқоров, 2-мактабдан Тўлқин Раҳмонов, 70-мактабдан Баҳодир Деҳқонов, 57-мактабдан Фарҳод Қаршиев, 18-мактабдан Ислом Хўжақулов, 81-мактабдан Аҳмад Абдураззоқов олимларга саволлар беришди. Таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Бундан кўриниб турибдики, мазкур анжумандан кўзланган мақсадга эришилди, деб ўйлайман.

СамДУ агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети декани, таниқли олим Тошпўлат Ражабовнинг маърузаси анжуман иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. Домла қишлоқ хўжалигини оила иқтисодиётидаги ўрни, рўзғор мўл-кўлчилигини таъминлашдаги аҳамияти, шунингдек, томорқада ишлаш ҳар бир оила аъзосининг саломатлигида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. Биология фани ўқитувчилари билиши зарур бўлган қишлоқ хўжалигига оид сайтлар, адабиётлар, кўрсатувлар ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар берди. Анжуман иштирокчиларининг хоҳишига кўра, биология фани ўқитувчиларининг айнан томорқа ва унда экиладиган экинлар бўйича саволларига мунтазам жавоб беришини таъминлаш мақсадида телеграмм канал очишга ҳам келишиб олинди. Ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида мазкур анжуманларни доимий ва мавсумий ўтказиш, экин экиш ва боғдорчилик бўйича ҳудудларнинг ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиб, тавсиялар беришга алоҳида аҳамият қаратиладиган бўлди.

Президентимиз томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга ер ажратилаётганлиги, бу муҳим масалага Қўшработ туманида ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ер олган ёшларга биология фани ўқитувчилари экин экиш, уруғ танлаш ва юқори ҳосил олиш юзасидан маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатаётганлигини ҳисобга олсак, СамДУ олимлари томонидан ўтказилган анжуманнинг аҳамияти янада ошади.

Анжуман давомида унда иштирок этган юздан зиёд ўқитувчиларга "Томорқада ишлашни ўрганамиз" услубий кўрсатмаси тарқатилди. Маърузачилар томонидан томорқа маданияти юзасидан тайёрланган видеотақдимот намойиш этилди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 11 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Мен уларга Самарқанд давлат университетини намуна қилиб кўрсатмоқчиман. Биринчидан, анжуманга пухта тайёргарлик кўрилган. Маъруза қисқа, тушунарли, қизиқарли, фойдали. Иккинчидан, ўқитувчиларга бепул тарқатилган қўлланма СамДУнинг таниқли олимлари, профессорлар Ш. Холиқулов, М. Абдураҳимов томонидан тузилган. Унда картошка, пиёз, помидор, қовоқ, саримсоқ, бодринг, булғор қалампири, карам, сабзи, шолғом, турп ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, парваришлаш, улардан мўл-кўл ҳосил олиш сир-асрорлари тўлиқ баён этилган. Бу қўлланма биология фани ўқитувчилари воситасида Қўшработ туманидаги ҳар бир хонадонга кириб боради. Учинчидан, мазкур анжуман мактабларимиздаги тажриба майдонларидан унумли фойдаланишимиз, биология дарсларида ўқитувчиларимиз ўқувчиларга томорқада ишлаш ва экин экиш бўйича кўргазмали дарслар ўтиши кераклигини, фарзандларимизда она табиатга, ерга меҳр уйғотишимиз зарурлигини яна бир бор барчамизга англатди.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Қўшработ тумани вилоят марказидан анча олисда эканлиги, ҳар ким ҳам табиий иқлими ва шароити мураккаб бўлган бу жойларга келавермаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, Самарқанд давлат университети томонидан илгари сурилган ташаббуснинг баҳоси янада ортади. Анжумандан кейин биология фани ўқитувчилари бир фикрни айтишди: Президентимиз жойларга бориб, одамлар билан учрашишни, ҳақиқий аҳволни ўрганишни, амалий ишлар қилишни талаб этаётган бир даврда Самарқанд давлат университети раҳбарининг, олимларининг бу соҳага эътиборидан мамнун бўлдик. Ўзимиз учун керакли, фойдали хулосалар чиқардик. Биз СамДУ олимларининг улкан салоҳияти, билим ва тажрибасига ҳар доим эҳтиёж сезамиз. Бундай анжуманларнинг тез-тез ўтказилишини истаймиз. СамДУда бўлиб ўтадиган, биз ўқитувчиларга тааллуқли бўлган турли анжуманларда онлайн иштирок этишни йўлга қўйиш тарафдоримиз. Хуллас бизнинг миннатдорчилигимизни етказсангиз.

Шавкат ҚЎШБОҚОВ,
Қўшработ тумани халқ таълими бўлими мудири.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Самарқанд давлат университети Ахборот хизматидан олинган маълумотга кўра, Самарқанд вилоятининг 13 туманида томорқадан унумли фойдаланиш бўйича амалий семинар-тренинглар ўтказилган. Анжуманларда 1500 нафардан зиёд ўқитувчи ва услубчилар иштирок этган. Уларга бир минг беш юздан ортиқ "Томорқада ишлашни ўрганамиз" номли услубий кўрсатмалар тарқатилган. Мазкур лойиҳада университетнинг 30 дан зиёд профессор-ўқитувчилари маъруза қилишган.*

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 341. 4028 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 23:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6